Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 109 (20. 676) • 1990 йил 13 май, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

Қайта қуриш ва ҳаёт

ҒАЛАБА МУБОРАК

● Шарқий Қурама геология-разведка экспедициясининг Юсуп Боғиев бошлиқ бригадаси бурғуловчилари катта меҳнат муваффақиятига эришдилар.

Иш якунларига кўра, ўтган йили бу коллектив Бутунниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиби деб топилган эди. Май ойи бошларида эса бригада беш йиллик топшириқни муддатидан илгари бажарди. Бригада бошлиғига эса «СССР Геология министрлигининг энг яхши устаси» номи берилди.

Мазкур коллектив кейинги йиллар мобайнида мусобақадаги совринли ўринларни мустаҳкам эгаллаб келмоқда. Ишчилар фақат ўтган йилнинг ўзида 9,5 минг метрдан зиёд қудуқ қазидилар. Бу — план кўрсаткичларидан деярли икки баравар кўпдир. Бригадага энг мураккаб участкаларда ишлаш топширилади. Бу ерда юксак профессионал маҳорат, ҳар бир ишчи бирбирининг ўрнини боса олиши, техникадан оқилона фойдаланиш ҳисобига жадал суръатларга эришилмоқда. Бурғуловчилар ўзларининг ўтган йилги рекордларини ҳам ортда қолдириб, ўн минг метр қудуқ қазиш кўрсаткичига эришишга аҳд қилдилар.

⊙ Кўксини жанговар нишонлар безаб турган бу йигитнинг исми-шарифи—Ғайрат Вафоев. У маршрут бўйлаб қатнайдиган машина ҳайдовчиси. Жангчи-байналмилалчи. Самарқанд шаҳридаги 1-автокорхонада ишлайди. Полковник А. Қудратов номли машинани бошқаради.

1-автокорхонага қарашли учта комсомолёшлар бригадасига Афғонистонда ҳалок бўлган жангчи байналмилалчилар номи берилган, уларнинг онла аъзолари маршрутли таксиларда бепул юришади.

Р. ҒАФУРОВ суратлари (ЎзТАГ).

МЕҲНАТ МАДАНИЯТИГА ЭЪТИБОР

● Чирчиқдаги «Узбекхиммаш» заводида экология вазиятини соғломлаштириш комплекс программаси муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бу ерда ҳавога зарарли моддалар чиқариб юбориш йил бошидан буён 50 тонна қисқартирилди.

Мазкур программани 1994 йилга қадар бажариш мўлжалланган. Лекин унинг анчагина қисми ҳозирнинг ўзидаёқ турмушга татбиқ этилди. Чунончи, қуйиш цехини қайта жиҳозлаш тугалланди, Чирчиқ дарёсига зарарли оқаваларни чиқариб юборишга амалда барҳам берилди. Экология жиҳатидан «ифлос» барча участкаларда мойни тутиб қолувчи мосламалар ва кокс фильтрлари ўрнатилган.

«Узбекхиммаш»да химикатлардан кенг фойдаланиладиган ҳалқ истеъмоли моллари цехи реконструкция қилинмоқда. Корхона мутахассислари ишлаб чиққан технология углерод оксиди чиқиндиларини анча камайтириш имконини беради. Машинасозлар шу мақсадлар учун 130 минг сўмдан кўпроқ пул сарфлайдилар.

Бу ерда сарф-харажат қилишда иккиланиб ўтиришмайди. Чунки атроф-муҳитни булғатишдан ташқари, корхона бунинг учун табиатни муҳофаза қилиш органларига катта жарималар тўларди. (ЎзТАГ).

УЗИЛИШЛАР БЎЛМАЙДИ

● Сунъий иплар ўз вақтида етказиб турилмаганлиги туфайли ишлаб чиқаришдаги туриб қолишлар сал бўлмаса Қўқон пайпоқ тўқиш бирлашмаси цехларидаги ишни тўхтатиб қўяй деди. Бу ерда шартнома мажбуриятларини бажариш учун ишлаб чиқаришни шошилинч тарзда ип калавага мослаштирилди.

Бундай ип бирлашманинг ўзида тайёрланади. Иккинчи тўқиш цехига жуда қийин бўлди. Лекин, бошқа участкалардаги каби бу ерда ҳам қийинчиликларни шараф билан бартараф этишди. Топшириқда белгиланганидан ташқари 469 минг сўмлик тақчил маҳсулот тайёрланди. Пландан ташқари қарийб 45 минг сўм даромад олинди. «Н» индексли маҳсулот ишлаб чиқариш топшириғи ҳам бажарилди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XXII СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

АНЖУМАНДАН НИМА КУТАМАН?

КОММУНИСТИК партия халқ ишончини осонликча қўлга киритгани йўқ. Бу ишончга инқилоб ва граждандар уруши, Улуғ Ватан уруши, халқ хўжалигини тиклаш йилларидаги катта қийинчиликлар эвазига эришилди.

Партия ишига, халқ ишига садоқатли чинакам коммунистлар ҳамон эл ўртасида катта обрў-эътиборга эгадирлар. Бироқ, партиявийлик ниқоби остида ғаразли ниятларини амалга ошириш пайида сафимизга путур етказаётган «коммунист»лар ҳам орамизда йўқ эмас. Улардан тезроқ халос бўлиш тўғрисида ўйлаш керак.

● Съезд минбарига

Мен Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съездидан шу соҳада, айниқса, принципиалликни кутмоқдаман. Меҳнат кишиси съезд кадрлар сиёсатида ниҳоятда ҳушёр йўл тутишига умид қилмоқда. Жумҳурият партия ташкилоти раҳбар органларига виждони пок, халқ орзу-ниятлари амалга ошиши учун фидоийлик кўрсатишга тайёр коммунистлар сайлакиши керак.

Биз, меҳнат кишиси бўлган оддий коммунистлар Марказий Комитетнинг бўлажак таркиби жумҳуриятни сиёсий ва иқтисодий мустақиллик йўлига олиб чиқишга қодир кишилардан шаклланишини кутмоқдамиз. Чунки, халқ хўжалигимизда, меҳнаткашлар турмушида тўпланиб қолган муаммоларни фақат шундан кейингина ҳал қилиш мумкин. Оддий чўпон сифатида бу муаммоларни, айниқса, чуқур ҳис қилмоқдаман. Чўпон меҳнатининг қадри-қиймати қолмаган. У етиштирадиган қоракўл терининг асосий қисми жаҳон бозорида тиллага харид қилинса-да, уни яратган кишининг турмуши ночор. Жун хом ашёсини ҳам аслида у чақа ҳисобига давлатга топширмоқда. Ҳолбуки, битта камзул-шим сотиб олиш учун бир ойлик маоши ҳам етмайди. Меҳнат ва турмуш шароитлари ночорлигидан ёшлар чўпонлик касбини танлашмаяпти.

Бу ерда мен фақат чўпоннинг оғир турмуши тўғрисида мулоҳаза юритдим. Лекин пахтакорнинг ҳам, пиллакор ва сабзавоткорнинг ҳам аҳволи бундан енгил эмас. Умуман, қишлоқдаги иллатларни аниқлашдан уларни даволашга ўтиш пайти етди.

Шунинг учун ҳам Съезддан кўп нарсани кутмоқдаман. Агар партиямиз чинакамига инсон ташвишлари ва эҳтиёжлари сари юз ўгирса, унинг обрўсига обрў қўшилади.

Х. ИБОДОВ,
Свердлов районидаги Свердлов номли давлат наслчилик заводи бош чўпони, вилоят партия комитети аъзоси

ЭЪТИҚОДНИ УНУТМАЙЛИК

КЕЙИНГИ пайтларда Коммунистик партиянинг обрўйини туширувчи ҳар хил гап-сўзлар бўлмоқда. Октябрь революциясидан сўнг босиб ўтилган 70 йиллик тарихимизни йўққа чиқарувчилар, ҳатто марксизм-ленинизм ғояларини танқид қилувчилар кўпайиб қолди. Тўғри, ҳозир ошкоралик замони. Фикрлар хилма хиллиги, турлича ёндашувлар учун ҳеч ким таъқиб қилинмаяпти. Лекин бу оғизга келган ҳамма гапни гапираверириш мумкин, дегани эмас-ку.

● Партия обрўйи—менинг обрўйим

Ўтган даврда эришган ютуқ ва камчиликларимиз бугун ҳеч кимга сир эмас. Қатағон йиллари, турғунлик пайтида йўл қўйилган нуқсонлар ҳали кўп ўрганилади, таҳлил қилинади. Коммунистик партия ўша даврларда йўл қўйилган камчиликлар учун ўзини ҳам айбдор ҳисобламоқда ва келажакда ана шу нуқсонларни қайта такрорламаслик учун ҳозир партиявий иш усул ва услубини тубдан янгилаётир. КПССнинг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастурини кўринг. Унда ҳаётга тамомила янгича ёндашув сезилади. Бу ўзгаришлар ҳозирнинг ўзидаёқ ижобий натижалар бераётир. Мамлакатимиз, жумҳуриятимиз раҳбарлари, улардан андаза олган қуйи партия ташкилотларининг вакиллари омма орасида тез-тез бўлишмоқда. Одамларга ғамхўрлик, инсон тақдири, турли социал, маданий-маиший муаммоларни ҳал қилиш партиявий иш асосини ташкил қиляпти.

Эндиликда партия ходимлари юқорининг тавсияси билан эмас, балки коммунистларнинг ҳоҳиш-иродаси билан раҳбар органларига сайланмоқдалар. Табиийки,бундай йўл билан сайланган партия ходими кўпроқ одамлар ҳақида, уларнинг келажаги ҳақида ўйлайди.

Тарих фани ўқитувчисиман. Баъзан ўқувчиларим кутилмаган саволлар бериб қолишади. Бир куни улар «Октябрь Социалистик революцияси тарихнинг хатосими? » дея сўрашди. Очиғи, бироз эсанкираб қолдим. Сўнгра ётиғи билан тушунтирдим. «Қани айтинг-чи, сиз Инқилобдан аввалги ҳаётимиз бугунги кунимиздан яхши эди, деб ўйлайсизми? » Бу саволим ўқувчиларнинг ўзини мунозарага чорлади. Ушанда энг бамаъни гапни Ҳолбуви исмли қиз айтди.

— Тўғри, — деди у, — ҳозир бироз қийинчилик мавжуд. Лекин мен келажакда ҳаммаси йўлга тушиб кетишига, ҳаётимиз фаровон, турмушимиз гўзал бўлишига ишонаман. Чунки бизнинг доҳий Ленин тузган партиямиз бор. Бу партия азалдан меҳнаткашлар манфаатини, умумхалқ манфаатини кўзлаб келган. Унинг сафига кириб олган бир ҳовуч амалпарастлар эса бутун партиянинг обрўсини тўколмайди. КПСС ўз сафларини бундай нолойиқ шахслардан тозалаб, юксак ғояларимиз йўлида хизмат қилаверади.

Матбуот, радио, телевидениедан ҳар хил ахборотлар ёғилаётган ҳозирги пайтда ёшларимиз турли хил фикрларга, ёндашувларга, мафкурамизга ёт бўлган қарашларга дуч келишмоқда. Шундай шароитда уларнинг кўплари ўқувчи қиз Ҳолбуви каби жонажон Коммунистик партиямизга ишончларини йўқотмаганлиги қувонарлидир. Мен бугунги иқтисодий тангликдан чўчиб, партияга таъна тоши отаётганларга ана шу фарзандларимиздан ўрнак олинглар, дегим келади.

Т. ХОЛДОРОВ.
Қўшработ районидаги 17-ўрта мактаб партия ташкилоти секретари, Тоз қишлоғи.

УЙҒОҚ ҚАЛБ

БУНДАН икки йил аввал цех партия ташкилоти йиғилишида ёш ишчиларимиздан бирини коммунистлар сафига қабул қилаётганимизда, кимдир унга: «Бировлар партиядан чиқяпти-ю, сиз нима учун партияга кираяпсиз», дея савол берди. Ишчи йигит ўшанда: «Жамиятга сидқидилдан хизмат қилиш учун кираяпман», дея жавоб берганди.

Хуллас, у КПСС сафига қабул қилинди. Кейинчалик цехда илғор ишчилар сафига қўшилиб, жамоат ишларида фаол қатнашаётганлигини кўриб, ҳаммамиз хурсанд бўлгандик.

● Келажак—ёшларники

Орамизда бундай коммунистлар кўплигига қарамасдан, баъзида айримлардан: «Партия ўз обрўсини йўқотиб қўйди. Коммунистларнинг кўпи ишлаш ўрнига мансаб талашади», деган таъна ва дашномларни эшитмоқдамиз. Шу мулоҳазаларни ўзимга таққослаб кўрдим. Ишондимки, буларнинг барчаси бекорчи гап.

Нега дейсизми? Йигирма йил шу цехда ишлаган бўлсам, ўшандан буён партия аъзосиман. Шу вақт мобайнида биронта ортиқча имтиёз излаганим, пул кетидан қувганим, имтиёзли ҳовли-жойга эга бўлганим йўқ. Цехимиздаги бошқа партиядош ўртоқларим ҳақида ҳам худди шу нарсани айтишим мумкин.

Мен ишлаётган ускуналарни ўраш участкасида ҳам анчагина коммунистлар бор. Биз ҳар доим ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилиш ҳаракатидамиз. Аслида коллективимиз кўпмиллатли. План-топшириқларни ошириб уддалаяпмиз. Участкамиздаги коммунистлар жамоат ишларида ҳам етакчи, Масалан, Зайниддин ака Муҳидов бирлашма касаба уюшмаси ишларида фаол қатнашса, ёш коммунист Мирворис Зокиров комсомолга етакчиликда жонбозлик кўрсатяпти. Менинг ўзим бирлашма меҳнат коллективи кенгаши фаолиятида қатнашяпман. Бу ерда асосий масала — ишчиларимизнинг ижтимоий аҳволини яхшилашга қаратилган. Уй-жой масалаларини тезроқ ҳал қилишга, кам таъминланган оилалар ва пенсионерлар шароитини яхшилашга алоҳида эътибор беряпмиз.

Лекин қиладиган ишларимиз кўп. Бунда биз, коммунистлар ўрнак бўлишимиз лозим. Масалан, ёш ишчи кадрлар тайёрлашни олайлик. Бу масала корхонада жиддий бўлиб турибди. Негаки, кўпчилик ҳолларда четдан ишчи кучи олишга мажбур бўляпмиз. Хўш, ўзимизда малакали ёш ишчилар тайёрлашга етарлича эътибор беряпмизми? Менимча, йўқ. Бирлашмамизга иккита ҳунар-техника билим юрти ишчиларни тайёрлаб беради. Тошкент политехника институти кечки бўлими талабаларининг ҳам анчагинаси бизда ишлашади. Бироқ уларга ўз иш тажрибамизни ўргатишга баъзан юзаки қарамоқдамиз. Корхонага эндигина келган ёшларнинг унумли ишлаши, дам олиши, яшаши учун шароитлар кўнгилдагидек эмас. Шунинг учун кўпчилик ёшлар заводга эмас, балки кооперативларга, бошқа осон иш жойларига ўтиб кетишяпти.

Очиғи, эндиликда маҳаллий йигит-қизларимиздан ишчи кадрлар тайёрлаганда уларни меҳнатга рағбатлантиришга эътибор беришимиз лозим. Негаки жумҳуриятимиз келажагини ана шу ёшлар яратишади.

Ҳаётимиз ўзгариб бормоқда. Эндиликда биз, коммунистлар виждонан, ҳамжиҳатлик билан иш олиб боришимиз керак. Ҳаёт мураккабликларидан, қийинчиликларидан чўчимасдан фақат алға боришимиз, эртанги кунга уйғоқ қалб билан қарашимиз лозим. Бизнинг обрўйимиз — партия обрўйи. Партия сиз билан биздан ташкил топган. Биз ўз йўлимизда, олиб бораётган бунёдкорлик ишларимизда имон-эътиқодли бўлсак, партия сафлари мустаҳкам бўлиб бораверади. Ўткинчи гапсўзларга берилиб, оғзига кучи етмаган, мафкурасини аниқлаб олмаганлар фикрига қўшилмаслигимиз керак. Шунда партия ва унинг аъзолари обрўйи ортаверади.

Қ. МУҲИДДИНОВ,
Тошкент трактор ишлаб чиқариш бирлашмаси 8-электр цехи ишчиси, меҳнат коллективи кенгаши раиси ўринбосари.

ОЛИЙ МАКТАБ: КЕЛАЖАК СТРАТЕГИЯСИ

Жўшқин асримизда ҳеч бир давлат маълумотсиз, илм-фансиз яшай олмайди, деб тўғри айтишади. Булар айни пайтда бошқа вазифалар қаторида мамлакатнинг фан-техника соҳасидаги қолоқлигига барҳам беришга, СССРни илғор индустриал давлатлар қаторига олиб чиқишга даъват этилган қайта қуришимиз учун зарурдир. Бироқ ҳозирча, иш сўздан нарига ўтмаяпти. Совет олий мактаби, умуман халқ таълими ўгай соҳа бўлиб қолмоқда ва уларга бундай ёндашув жамиятда самарали ўзгаришларга олиб келмайди.

Вужудга келган вазиятдан ташвишланиш мамлакатдаги 900 та олий ўқув юрти қарийб ярминнг ректорларини 11 май куни Москвага Бутуниттифоқ учрашувига тўплади. Учрашув ҳозирги шароитда таълим ва олий ўқув юртлари ишининг долзарб муаммоларига бағишланди. СССР Президенти, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев уларнинг ташвишига шерик бўлиб, учрашувда қатнашиш учун вақт ажратди.

Учрашувни Қозон давлат университетининг ректори **А. И. Коновалов** очди.

Учрашувда доклад қилган СССР Давлат таълим комитетининг раиси **Г. А. Ягодин** мамлакатдаги қайта қуриш жараёнлари ривожланишнинг ҳал қилувчи босқичига кирганлигини ва ижтимоий тузумдаги туб ўзгаришлар таълим системасига ва айниқса унинг якунловчи бўғини бўлган олий мактабга дахлдорлигини таъкидлади. Шунинг учун биз олий мактабнинг муносабатларнинг янги системасига ўтишга ўтишни чуқурлаштириш, докладчининг фикрича, халқ таълимига ажратиладиган маблағларнинг нисбатан қисқартирилишига, студентлар сони камайтирилишига, олий ўқув юртлари битирувчиларининг ишга жойлашишида қийинчиликлар кўпайишига олиб келиши мумкин. Бу борада нималар қилиш лозим?

Бир томондан, олий ўқув юртларининг тармоқ министрликлари билан ўзаро муносабатлари системасини бирмунча мослашувчан қилиш, корхоналарнинг студентлар билан битимлар тузиш системасига ўтиш лозим, таълимнинг икки босқичли системасини жорий этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш керак. Бироқ мана шу «ички» тадбирлар, дейди давлат комитетининг раиси, барча муаммоларни ҳал эта олмайди. Шунинг учун, иккинчи томондан, олий ўқув юртларига ҳукумат ҳам, СССР Олий Совети ҳам ёрдам бериши зарур.

Бундай ёрдам — ўтиш даврида — халқ таълимини давлат маблағлари билан таъминлаш даражасини сақлаб қолишда, уни ривожлантиришга сарфланадиган маблағларга солиқ солишда имтиёзлар жорий этишда, ёш мутахассисларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояланишида, бошқа тадбирларда ўз ифодасини топиши мумкин. Ўқув юртининг юксак даражада сафарбарлиги учун эса олий ўқув юртлари маблағларини «СССР Молия министрлиги ва СССР Меҳнат ва социал таъминот давлат комитети кишанлари»дан халос этиш, студентларни қабул қилишда, мутахассислар танлаш даражасини белгилашда катта эркинлик бериш, таълимни регионлар, тармоқлар эҳтиёжига яқинлаштириш зарур. Бусиз бозор иқтисодиётига ўтишда олий ўқув юртларининг фаолияти ғоят қийинлашади. Бозор иқтисодиёти шароитида олий ўқув юртлари амалда халққа таълим хизмати кўрсатиши ва студент давлатнинг, фондларнинг ёки ўз ота-оналарининг ёрдамида бундай хизматларга ҳақ тўлаб ўзининг таълимга бўлган ҳуқуқини янада тўлароқ рўёбга чиқара олиши мумкин.

Кўп партияли система юзага келиши муносабати билан олий мактаб олдида жиддий муаммолар пайдо бўлмоқда, деди докладчи, биз олий ўқув юртларида партиялар курашига йўл қўя олмаймиз. Бундай кураш ўқув юртларидан ва ўқув жараёнидан ташқарида бўлиши лозим. Бироқ бу биз ёш авлодни социалистик йўл танлаш, умуминсоний қадриятлар, Ватанга муҳаббат, федерациядаги ўз шерикларига ҳурмат руҳида тарбиялашдан воз кечамиз, деган маънони билдирмайди.

Учрашувнинг кўпгина қатнашчилари олий мактаб муаммолари юзасидан ўз мулоҳазаларини баён этдилар. Чунончи, Москва авиация технология институтининг ректори **Б. С. Митин** кучғайратларни мувофиқлаштириш мақсадида Бутуниттифоқ ректорлар уюшмасини ташкил этишни таклиф қилди, Харьков давлат университетининг ректори **И. Е. Тарапов** таълимга маблағ сарфлаш ғоят нафли эканлигини, бироқ ана шу маблағлар дарҳол самара беришини талаб қилиш мумкин эмаслигини айтди, Москва физика-техника институтининг ректори **Н. В. Карлов** олий ўқув юртлари Академияси ва СССР Давлат фан-техника комитети ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик янада мустаҳкамланиши зарурлигини таъкидлади.

Учрашувда **М. С. Горбачев** нутқ сўзлади. У йиғилганларнинг саволларига жавоб қайтарди.

М. С. Горбачевнинг нутқи матбуотда эълон қилинади.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари В. А. Медведев, СССР Олий Советининг Фан, халқ таълими, маданият ва тарбия масалалари комитетининг раиси Ю. А. Рижов иштирок этдилар.

(ТАСС).

Пойтахт Фрунзе райони коммунистлари билан учрашувлар

Ғалаба байрами совет жамиятининг турли авлодларини бирлаштирибгина қолмай, шу билан бирга машаққатли уруш йилларида коммунистлар халқни бирлаштирган куч бўлганлигини яна бир бор эслатди. Мамлакат учун қийин бўлган ҳозирги кунда ҳам партия қайта қуришнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий дастури учун бутун масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр. 11 май куни М. С. Горбачев билан пойтахт Фрунзе райони 4-партия сайлов округи коммунистлари ўртасида шу ҳақда суҳбат бўлди. Мазкур округнинг коммунистлари КПСС Марказий Комитети Бош секретарини КПСС XXVIII съездига делегат қилиб кўрсатганлар.

Бугунги учрашувлар «Ява» тамаки фабрикасидан бошланди. Ҳали меҳнат шароитлари кўнгилдагидек эмас, тўғри маҳаллий комитет кўп иш қилмоқда. Фабриканинг табобат муассасаси касалликларнинг олдини оладиган ва даволайдиган аппаратлар билан дуруст жиҳозланган. Ошхонадаги бепул овқатга қўшимча равишда ҳар бир иш жойга сут келтириб берилмоқда. Цех партия ташкилотининг котиби Т. С. Климова умуман тамаки саноатида бўлганидек, фабрикада ҳам оғир вазият вужудга келгани ҳақида гапирди. Цехдаги барча автомат линиялар асосан хориждан келтирилган. Уларнинг қарийб ҳаммаси эскириб кетган. Замонавий линиялар кам. Чет эллардан камдан-кам олинаётган буюртма эвазига тушган валюта запас қисмлар сотиб олишга зўрга етади.

Тамаки дўконларида сигареталар тақчиллигига мана шулар сабаб эмасмикан, деб суриштиради М. С. Горбачев. Йўқ, сабаб бошқа нарсада экан. Корхонанинг маҳсулоти мамлакатда манзур бўлиб, у ҳар қандай қийинчиларга қарамай, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини камайтирмаяпти. Ҳар йили савдо ташкилотлари бу ердан 16 миллиард донагача сигарета ва папирос олиб турибди. Корхона раҳбарларининг изоҳига кўра, сигаретанинг тақчиллиги сабаблари кир ювиш кукуни билан бўлган воқеага ўхшайди: савдо ишида тартибсизликлар жазавага, маҳсулотларнинг чайқов бозорига чиқишига сабаб бўлмоқда.

Цехдаги суҳбатда кўпгина ўткир муаммолар —уй-жойнинг етишмаслиги ва шу йил баҳорида колхоз бозорларидаги нарх-наво мислсиз кўтарилиб кетганлиги, район болалар боғчалари ва яслиларидаги жойларнинг етишмаслиги масалалари кўтарилди. Цех мутахассислари, уларнинг аксарияти аёллардан иборат, СССР Президентининг дастлабки қадамларидан бирини — хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, онлани мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар ҳақида қарор тайёрлашни Олий Советга топширганлигини табриклаб гапирдилар.

Москвадаги «Большевик» кондитер фабрикасининг партия ташкилоти партия анжумани делегатлигига М. С. Горбачев номзодини кўрсатганлар жумласига киради. Қарийб 140 йилдан буён ишлаб келаётган бу корхонада (фабриканга 1855 йилда асос солинган) одамлар ҳузур қилиб ишлаяпти-ларми? Ҳамма жойда бўлганидек, бу ерда ҳам муаммолар кўплиги суҳбатнинг оғ-ишидаёқ равшан бўлиб қолди. Масалан, иш ҳақи қўшиқ 2-соат заводига нисбатан ўрта ҳисобда 25 фоиз кам. Ходимлар муттасил етишмайди. Фойданинг 80 фоизи давлат бюджетига топширилади, қолгани эса корхонани техникавий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳал этиш қийин.

(Давоми иккинчи бетда).

ТОШКЕНТ КОММУНИСТЛАРИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

11 май куни Тошкент шаҳар партия ташкилотининг XXVII конференцияси очилди. Кун тартибида — шаҳар партия комитети ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботлари, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури ва КПСС Устави лойиҳаларини муҳокама қилиш, шаҳар партия ташкилотининг раҳбар органларини ҳамда Ўзбекистон Компартияси ва КПСС съездларига делегатлар сайлаш, юқори раҳбар партия органлари таркибига номзодлар тавсия этиш масалалари бор.

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков конференцияни кириш сўзи билан очди.

Конференцияда Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари А. С. Ефимов, Д. Д. Берков, П. В. Догонкин, А. И. Икромов, С. Мамарасулов, Р. А. Попов, Ж. Ҳамидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

Пойтахт Фрунзе райони коммунистлари билан учрашувлар

(Давоми. Боши биринчи бетда).

М. С. Горбачевнинг ишчиларни мамлакат миқёсида нималар ташвишлантираяпти, деган саволига одат бўлиб қолган: ҳозир нарх навонинг ошиши ҳақидаги гаплар кўп, деб айтилди...

— Биздаги нарх-навони дунёдаги даражага яқинлаштириш зарур, — деди бу гапга жавобан Михаил Сергеевич, бозор меҳнат жамоасининг ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулот учун тўла масъулият мезонидир. Аммо биз шундай бозорга ҳали эришмоғимиз керак, биз асосий озиқ-овқат маҳсулотларини назорат остида тутиб, шундай бозорни қадам-бақадам барпо этиб борамиз. Сизларнинг маҳсулотингизни олиб кўрайлик. Айтайлик, бу маҳсулотнинг бирон-бир қисми назорат остида бўлади, қолган қисми эса эркин бозорга чиқиб, нарх навони белгилайдиган бўлади.

Хўш, иш ҳақи нима бўлади, деган савол туғилади. Модомики нарх-наво ўзгарар экан, ишлаб турган кишиларни ҳам ҳимоя қилиш керак. Бу ишда биз жамият билан келишмай туриб иш тута олмаймиз. Меҳнатчиларнинг бир қисми, пенсионерлар, студентлар бунинг эвазига ҳақ олишлари керак.

Яна бир муаммо: зарар кўрувчи корхона беркитиб қўйилгандан кейин ишдан маҳрум бўладиган ишчининг ҳоли нима кечади? Давлат бу соҳада ҳам зарур воситани қўзда тутиши керак, шу воситада нафақа бериш, малакани ўзгартириш имкониятини яратиш кўзда тутиладиган бўлсин.

— Бундан чиқдики, ишсизлик бўлар эканда? — деб сўрайди суҳбатдош аёллардан бири.

— Структура ишсизлиги бўлади, бундай ишсизлик ҳозир ҳам бор, — деди жавоб қайтариб М. С. Горбачев. — Корхона ёпилгач, уни бошқа маҳсулот ишлаб чиқаришга тайёрлаш керак-ку ахир — бу вақтинчалик ишсизлик бўлади. Бундан ташқари ҳозир пинҳона ишсизлик ҳам бор. Бизда икки-уч киши қилаётган ишни Ғарбда бир киши қилади. Франциядa мен бориб кўрган машинасозлик заводларидан бирининг конструкторлик бюросида эллик киши ишлаяпти, биздаги кўлами мана шундай корхонада эса уч юз киши ишлаяпти.

Агар бутун жаҳон иқтисодиётидаги ютуқларни сиз билан биз ҳозир қабул этиб олмасак, ҳаддан ташқари орқада қолиб кетамиз, доимо кечагидек ёки ўтган кунгидек яшайверамиз.

Тушдан кейин «Известия»нинг мажлислар залида КПСС XXVIII съездига делегатликка М. С. Горбачев билан В. Н. Баранов номзодларини кўрсатган округдаги 20 тадан кўпроқ партия ташкилотининг вакиллари йиғилдилар.

Москвадаги иккинчи соат заводининг цех бошлиғи В. Н. Барановга биринчи бўлиб сўз берилди.

Инженер, 25 йиллик иш стажига эга бўлган коммунист ўзининг ҳаётий йўли ҳақида гапириб, мамлакатдаги ва партиядаги аҳвол учун астойдил ташвишланаётганлигим сабабли мен ўз номзодимни қўйишга мажбур бўлдим, деди.

Фикримча, деди у, партия, давлат ва ҳарбий ҳокимият чатишиб кетганлиги энг катта хавфдир. У буни жуда кескин иборалар билан айтди. Номзод мазкур иборани изоҳлаб, бундай деди: менинг фикримча, бизнинг жамиятимизда, башарти революция ўзини ҳимоя қила олмаса, у ҳеч нарсага арзимайди, деган ибора бамаънилик даражасига етказиб қўйилган. У башарти, революция ҳимоя қиладиган ҳеч нарса бўлмаса, бу революция ҳеч нарсага арзиймайди, деган бошқа шиорни таклиф қилди.

Мамлакатнинг бутун ижтимоий турмушини, мактабдан тортиб то олий ўқув юртигача чуқур демократиялаш номзоднинг асосий дастури эканлигини унинг ўзи таъкидлаб ўтди. Соғлиқни сақлашни, маорифни такомиллаштириш, экологик муаммоларини ҳал қилиш ишнинг асосий йўналишлари бўлиши керак. Номзод партия дастури билан низомининг узил-кесил таҳririда ҳисобга олиш зарур бўлган таклифларини ҳам айтди.

Сўнгра М. С. Горбачевга сўз берилади. У кўрсатилган юксак ишонч учун округ коммунистларига миннатдорчилик билдириб, КПСС XXVIII съезди КПСС, мамлакатимиз, ҳар бир совет кишиси турмушида жуда муҳим роль ўйнаши лозимлиги ҳақида гапирди.

Сизларнинг ҳузурингиздa гапиришдан аввал, бу ерда ўз дастуримни қанчалик батафсил баён этсам экан, деб ўйладим, деди у. Менинг фикрларим ҳаммага равшан, ҳар қандай тазйиқ мени бошқа фикрга ўтишга мажбур қила олмайди. Бундан бошқа йўлнинг ўзи йўқ, мен коммунист сифатида шу йўлни танлаганман, менинг мажбурий йўлим ҳам мана шу.

Замон талабига жавобларни бутун жамият иштирокида изламоқ керак, аммо албатта олға бориш зарур, деди сўнгра номзод. Бунинг устига биз тезроқ олға силжишимиз лозим, вазият шуни тақозо этмоқда.

М. С. Горбачев кўпгина муаммоларга батафсил тўхталди, шу муаммоларни ҳал этиш орқали жамиятимиз тараққиётни жадаллаштира олади, қайта қуришни чуқурлаштиради, деди. Бироқ буни таъминламоқ учун социалистик демократия ғоясини тўлиқроқ намоён этиш, ижтимоий адолат тантанасига эришмоқ учун ҳамма ишни қилиш керак. Социалистик ғоя — самарали ғоядир, унинг шу қадар таҳликали бузилишлардан кейин ҳам яшаб қолганлиги, миллион-миллион кишиларнинг садоқатига сазовор эканлиги тасодифий эмас.

Ленининнинг социализмга қарашни тубдан қайта қориб чиқиш зарурлиги тўғрисидаги машҳур фикри — ҳозирги фикр-мулоҳазаларимизга асос бўлади, деди сўнгра номзод. Биз жараёнларни башорат қилиб, қайта қуриш моҳияти ва сиёсатини ишлаб чиқиш орқали энг муҳим саволларга аниқ жавобларни турмушнинг ўзидан оламиз. Ҳозир биз тадбирларни белгилаб қўйишимиз эмас, балки айни жараённинг йўналишига, ижодий излашга эришмоғимиз зарур, деди М. С. Горбачев. Биз ишнинг ҳамма соҳаларида ана шундай моҳиятга ва сиёсатга эгамиз, бу иш жамиятимиз турмушини инқилобий янгилаш мақсадида олиб борилмоқда.

Шундан кейин у иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар қандай бораётганига батафсил тўхталди, партиядаги съездолди мунозарасига ўз муносабатини билдириб, коммунистлар айтаётган бир қанча қоидалар бир-биридан фарқ қилишига қарамай, бу съезд КПССни парчалашга эмас, балки жипслаштиришга хизмат қилиши учун имконият борлигини уқтирди. Партия — халқимизни бирлаштирадиган қудратли кучдир, деб таъкидлади у.

Сўнгра КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари кескин ва беҳаловат турмушимизнинг ҳамма соҳаларига тааллуқли кўпдан-кўп саволларга жавоб қайтарди. Хатлардан бирига амалий жавоб беришга тўғри келди — газета босмахонасининг ходимлари М. С. Горбачевни шу корхонага таклиф этдилар. Бу ерда иш узлуксизлиги сабабли йиғилишда қатнаша олмаган кишилар билан суҳбат давом эттирилди.

Суҳбатларда КПСС Марказий Комитетининг секретари, «Правда» газетасининг бош муҳаррири И. Т. Фролов, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Ю. А. Прокофьев, Москвадаги Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари Г. И. Кутняков қатнашдилар.

Москванинг Фрунзе районидаги 4-сайлов округи коммунистларининг вакиллари билан учрашув тўғрисидаги ҳисобот матбуотда эълон қилинади.

(ТАСС).

• Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди олдидан

Илгари хабар берилганидек, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг кенгайтирилган мажлисида область партия комитетлари ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппарати структурасини такомиллаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилинган эди. Шу муносабат билан «Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» газеталарининг мухбирлари республика Компартияси Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ва кадрлар билан ишлаш бўлимининг мудири П. В. Догонкинга бир қатор саволларга жавоб беришни сўраб мурожаат қилишди. Қуйида ана шу суҳбат газетхонлар эътиборига ҳавола қилинади.

МУХБИР: — Пётр Васильевич, аввало ана шу қарорларнинг қабул қилиниши сабабини билишни хоҳлардик.

П. Догонкин: — Бу КПСС Марказий Комитети март ва февраль Пленумлари қарорларини тўғридан-тўғри амалга оширишдир. Ҳойнаҳой билсангиз керак, ўша Пленумларда Ҳаракат дастури ва партиянинг янги Устави лойиҳалари батафсил муҳокама қилинди, партия ишини қайта қуришнинг асосий йўллари кўриб чиқилди. Табиийки, партия аппарати фаолиятини, структурани қайта қуришни давом эттириш, энг асосийси, мен буни таъкидлашни хоҳлардим, партия аппарати вазифаларини ўзгартириш бўйича бир қатор таклифлар қабул қилинди. Бу таклифларни қачон амалга ошириш керак? Устав лойиҳаси партия XXVIII съездида маъқулланганидан кейинми ёки ҳозироқ, республикада ҳисобот-сайлов кампанияси ўтаётган даврдаёқ ишга киришиш керакми? Иккинчи йўлдан боришга қарор қилинди. Зеро, давримиз шунчалар жўшқинки, партиявий ишдаги янги шакллардан дарҳол фойдаланишни талаб этади. Партия бўғинлари структурасининг қарор топган шакллари эса бунга имконият бермайди...

МУХБИР: — Тўғри фикр. Аммо Марказий Комитетда, жойларда партия аппаратлари структураси аллақачон ўзгарган-ку, бунга ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Балким бу хато бўлгандиру, ҳозир Марказий Комитет уни тузатиш учун чоралар кўраётгандир!

П. Догонкин: — 1988 йил охири ва 1989 йил бошларида ҳақиқатан ҳам шаҳар, район, область партия комитетларининг, Марказий Комитет аппаратининг структурасини қайта ташкил этиш амалга оширилди. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг партия, совет ва давлат органларининг вазифаларини бир-биридан фарқлаш тўғрисидаги қарори асосида шундай қилинди. Бу Марказий Комитет аппарати структурасини такомиллаштириш, ҳокимият вазифаларини партиядан Советларга беришнинг биринчи босқичи эди. Ўша вақтда бошқаришнинг тармоқ принципига берилмаслик асосий вазифа қилиб белгиланган эди. Бўлимлар сонининг қисқариши асосан шунга кўра рўй берган эди. Чунончи, Марказий Комитетнинг 17 бўлимидан 8 таси қолдирилди. Кўпинча хўжалик масалаларини ҳал этишга йўналтирилган тармоқ бўлимлари тугатилди.

Ўшанда айни бир вақтда аппаратнинг масъул ходимлари сони ҳам камайтирилди. Марказий Комитет ва область партия комитетлари бўйича олганда умуман бундай қисқариш аппарат ходимлари таркибининг 20—25 фоизига тааллуқли бўлди. Қисқаришга тушган ходимлар асосан ўз вақтида юқори лавозимлардан тавсия этилган тайёргарликка эга бўлган кадрлар эди. Улар бошқаришнинг республика ва маҳаллий органларини, илмий муассасаларни, олий ўқув юртларини, оммавий-ахборот воситаларини мустаҳкамлашга юборилди ва улар ўша жойларда сезиларли фойда келтирмоқдалар. Кўриб турибсизки, ҳеч қандай хатолик тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас.

Бу ўринда қайта ташкил этиш тўғрисидаги биринчи ғоя охиригача амалга оширилганми, йўқми — гап шу ҳақда бўлиши мумкин. Асл эмас эди. Бундай шароитларда кўндаланг турган муаммоларни ҳал этишда Советларга ёрдам бериш партия комитетларининг асосий вазифаси бўлиб қолди.

Ҳозир эса вазият тубдан ўзгарди. Мамлакатда сиёсий ҳаёт бутунлай бошқача касб этди. СССР Конституциясининг 6—7 ва 51-моддалари таҳрири ўзгартирилди. Республикамиз Асосий Қонунига ҳам шунга ўхшаш ўзгартишлар киритилди. КПССга ўхшаб Ўзбекистон Компартияси ҳам давлат ҳокимиятчилиги ваколатларидан ихтиёрий равишда воз кечди. Президентлик бошқаруви жорий этилиши муносабати билан эса ҳокимият структураси ҳам ўзгарди.

Советларнинг ўзи ҳам амалда бутунлай бошқача бўлиб бормоқда. Чинакам эркинлик асосида яқинда бўлиб ўтган сайловлардан кейин Советларимиз янада қатъийроқ, мен айтган бўлардимки, новаторона ҳаракат қила бошлаганликларини биз ҳаммамиз сездик. Шу муносабат билан республика Олий Советининг биринчи сессиясини эса олиш кифоядир. Эндиликда бундан буён ҳам депутатлар фаолиятида масалаларга давлат нуқтаи назаридан ва энг муҳими, мустақил равишда ёндашиш тобора устун бўлаверади. Демак партия органлари ҳам бошқариш характеридаги хўжалик ва бошқа масалаларга тобора кам аралашадиган бўлишлари керак.

МУХБИР: — Советлар янгичасига ишлай бошлайдилар. КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастури лойиҳасида айтилганидек, партия органлари давлат ҳокимиятчилиги ваколатларидан воз кечмоқдалар. Ана шуни партия аппарати структурасини янада такомиллаштириш, масъул ходимлар сонини камайтиришнинг асосий сабаби деса бўладими!

П. Догонкин. — Ҳа, айни шу реаллик, бутунлай янги Советларнинг шаклланаётганлигидан дарак берувчи умидбахш белгилар партия комитетларидаги қайта қуришни тезлаштиришнинг асосий шарти бўлди, дейиш мумкин. Марказий Комитет комиссияларида бош қотирилганидан сўнг, область партия ташкилотларидаги фикрлар ўрганилганидан кейин, суҳбатимизнинг бошида айтганимдек, ҳисобот-сайлов кампанияси тамом бўлишини ва XXII съездни кутиб ўтирмай, партия органлари структурасини такомиллаштириш юзасидан янги таклифлар билан чиқишга қарор қилинди.

Бошқа бир сабаб ҳам бор. Агар сиз КПСС янги Устави лойиҳаси билан батафсил танишиб чиққан бўлсангиз, ҳойнаҳой, бундан буён партия аъзолик бадалларининг 50 фоизга яқинини бошланғич партия ташкилотларининг эҳтиёжларига қолдириш мўлжалланаётганига эътибор берган бўлсангиз керак. Бу эса ҳозирги мавжуд бюджет, масалан, Марказий Комитет бюджети анчагина қисқаради, деган сўз. Албатта партия аппаратини сақлаб туриш учун қилинадиган харажатлар ҳам жиддий равишда камайтирилади. Бу ерда ҳам вазиятдан чиқишнинг битта йўли бор. Партия аппарати ходимлари сонини қисқартириш керак.

МУХБИР: — Дарвоқе, бу қисқаришнинг ўзи қанақа бўлади! Партия комитетининг, айтайлик область партия комитетининг янги структураси қандай бўлади!

П. Догонкин: — Бугунги кунда область партия комитетларида турли йўналишлар бўйича комиссиялар тузилганлигини, уларнинг аъзолари асосан жамоатчилик асосларида ишлаётганликларини сиз албатта билсангиз керак. Секретариат, 7 бўлим мавжуд. Бўлимларда ишлаётганларнинг умумий сони область партия комитетларининг категориясига қараб 50 дан 70 кишигача боради.

Ҳозир ана шу миқдорни кескин, тахминан 40 фоиз қисқартириш мўлжалланмоқда. Бўлимлар сони қисқартирилади, бундан буён уларга партия комитетларининг секретарлари бошчилик қилишади. Масалан, агар Тошкент область партия комитетининг ҳозирги мафкура бўлимида 14 киши ишлаётган бўлса, қайта ташкил этишдан кейин унда атиги 8 ходим қолади.

Лекин шуни айтиш керакки, партия комитетида, жумладан область партия комитетларида, доимий штат асосида 25 дан 40 кишигача ишлайдиган бўлади. Бу сайлаб қўйиладиган органлар аъзолари фаолиятини қасблаштириш бўйича қўйилган биринчи; анча кескин қадамдир.

МУХБИР: — Ана шу қадам, ҳойнаҳой ҳам аппарат, ҳам партия органлари вазифаларини ўзгаришига олиб келса керак!

П. Догонкин: — Шубҳасиз, нафақат вазифаларда, балки партия комитетларининг ўзида бўлганидек, аппаратнинг барча бўлинмалари иши мазмунида, услубларида туб ўзгариш рўй беради. Биз буйруқбозлик услубларини, технократизм кўринишларини, ишдаги параллелизмни, бир-бирини такрорлашни, совет ва хўжалик органлари ўрнига ишлашни кундалик амалиётдан узил-кесил чиқариб ташлашимиз зарур. Аппаратнинг янги вазифалари асосан сайлаб қўйиладиган орган, йўналишлар бўйича партия комитетлари комиссиялари фаолиятида таҳлилий, прогнозлаш, ижтимоий ва консультатив хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлади. Кам сонли аппарат моҳият эътибори билан уларнинг ёрдамчиларига айланади ва уларнинг йўл-йўриқларига мувофиқ равишда ҳаракат қилади. Шу тариқа қўмондонлар ва ижрочилар эмас, балки ҳамфикрлар коллективи пайдо бўлади. Бу биринчиси.

Иккинчиси. Бундан буён аппаратнинг асосий кучлари партиявий-ташкилий ишлар ва мафкура бўлимларида мужассамлашади. Ходимлар сони жиҳатидан кичикроқ бўлган ижтимоий-иқтисодий ва аграр сиёсат бўлимлари асосан халқ хўжалигини ривожлантиришнинг истиқболли масалалари билан шуғулланадилар.

Учинчидан. Энг муҳими, шу муносабат билан бутун партия комитети фаолиятининг йўналиши ўзгаради. Район ёки шаҳар партия комитетларини олиб кўрайлик. Бугунги кунда уларнинг вазифаси доирасига амалда ҳамма нарса киради: улар шаҳар ва райондаги иқтисодий ва ижтимоий сиёсат, кадрларни жойжойига қўйиш, мафкура, маданият, маиший турмуш, экология, давлат ва меҳнат интизоми ва бошқа шунга ўхшаш масалалар билан шуғулланишади. Бундан буён эса улар асосан бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириб ва йўналтириб турадилар, уларнинг омма билан алоқаси мустаҳкамланишига кўмаклашадилар, улар билан бирга партия сиёсати ва қарорларини тушунтирадилар, шу қарорлар ва сиёсатни амалга ошириш бўйича ишни ташкил этадилар, аниқ социал-иқтисодий, маданий ва бошқа муаммоларни жамоатчилик муҳокамасига қўядилар. Фаолиятнинг ана шу йўналишлари КПССнинг янги Устави лойиҳасида кўзда тутилган. Область партия комитетлари бўлса, асосан партия сиёсатини ишлаб чиқишда қатнашадилар, область доирасида шу сиёсатни амалга ошириш ва юқори органлар қарорлари ижросини ташкил этиш ишларини амалга оширадилар.

МУХБИР: — Кадрлар сиёсати нима бўлади! КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасида партия кадрларини танлаш ва жойжойига қўйиш партия комитетларининг иш жабҳасига киради дейилган. Аммо хўжалик, совет раҳбарлари тўғрисида ҳеч нарса айтилмаган, чоғи!

П. Догонкин: — Ҳаракат дастури лойиҳасида бу масалалар анча чуқур ёритилган. Ақалли мана бу Тезисга эътибор беринг-а: «КПСС демократик жараён доирасида ҳукмрон партия мавқеини сақлаб қолиш йўлида ўз сиёсатини ўтказади ва кураш олиб боради, **марказда, республикаларда, жойларда раҳбар органларни тузиш учун** халқ мандатини олиш йўлида сайловларда сайловчиларнинг овозини олишга ҳаракат қилади».

Яъни сайловчиларнинг кўпчилиги овозини олиб, биз бу билан Советлар орқали, уларга тўла ҳокимият ваколатини аста-секин бера бориб, Советлардан тортиб, хўжалик органларигача раҳбар кадрларни шакллантириш учун халқнинг мандатига эга бўламиз. Сизнинг хабарингиз бор, охирги сайловлар якуни бўйича республика депутатлари орасида коммунистлар 90 фоиздан зиёдни ташкил этди. Бу сайловчилар мандати уларга ишониб топширилганидан далолатдир. Жамики, мавжуд демократик воситалар имкониятларидан фойдаланиб, табиийки, биз барча бошқарув бўғинлари кадрларини танлаш ва жойжойига қўйишга қатнашамиз. Бизнинг сиёсий ҳаётимиз, агар хоҳласангиз — курашимизнинг мантиқи ана шундай. Бу фақат биздагина шундай эмас — жаҳон тажрибасига назар ташланг: барча партиялар ҳокимиятга келгач шундай мақсадларни ихтиёр қилишади, шундай тарзда ҳаракат қилишади.

Пировардида яна бир бор таъкидлайманки, партия аппаратлари структурасини қайта ташкил этиш, янада такомиллаштириш, бу ҳақда сиз билан гаплашиб ўтдик, партия ички турмушини демократиялашга кўмаклашади. Қарорларни ишлаб чиқишда коллегиаллик ошади. Партия ишларига оддий коммунистлар, бошланғич партия ташкилотлари кенг жалб этилади. Биз умид қиламизки, сон жиҳатидан кам бўлган аппаратга сиёсатшунос олимлар, мутахассислар, социологлар ёрдамга келишади. Мақсад ходимлар сони билан эмас, балки ишбилармонлик билан муваффақиятга эришишдир. Партиядаги ислоҳнинг навбатдаги одими жамият сиёсий системасининг бошқа институтлари билан ўзаро муносабатларни яхшилашга қаратилган. Бундай институтлар эса тобора кўпаймоқда ва биз сиёсий муносабатларда рўй бераётган қайта қуриш жараёнларини рад этмаслигимиз керак.

Назаримда ҳамма саволларга жавоб бериб бўлдим. Ҳозир жойларда партия комитетларининг янги структураси ишлаб чиқилмоқда, штат жадваллари ҳам уларга мувофиқлаштирилмоқда. Ўйлашимча, бу иш область партия конференциялари ва Ўзбекистон Компартияси XXII съездида муваффақиятли якунланади.

ОЗ БЎЛСИН-У СОЗ БЎЛСИН!

Ходимлар сонининг кўплиги эмас, ишбилармонлик муваффақият калити эканлигини унутмайлик!

Шу кунниг вазифаси:

ҚОЛОҚЛИК ЎРНИНИ ҚОПЛАШ, ИМКОНИЯТНИ ОШИРИШ

11 май куни республика Компартияси Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгайтирилган кенгашда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг маҳаллий бинокорлик материалларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, янги корхоналар бутун бир турқумини фойдаланишга топширишга оид қарори қандай рўёбга чиқарилаётганлиги муҳокама қилинди. Кенгаш ишида Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, республика министрликларининг, идораларининг, йирик қурилиш ва пойиҳалаш ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Кенгашни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. А. Попов очди.

Республика давлат план комитети раисининг ўринбосари Ҳ. Р. Исматуллаев йиғилганлар ҳузурида маъруза қилди. Кенгашда республика халқ хўжалиги комплексида қурилиш базасини мустаҳкамлашга устун даражада аҳамият берилганлиги айтиб ўтилди. Республика ҳукуматининг қарорида 1991—1995 йилларда маҳаллий бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришда вужудга келган қолоқликка барҳам бериш, ана шу материаллар билан ўзимизни тўла таъминлашга ўтиш кўзда тутилади.

Мамлакат республикалари ва ўлкалари регионал хўжалик ҳисобига ўтаётганлиги муаммоларининг ўткирлашувига сабаб бўлмоқда. Қудратли қурилиш базасига эга бўлмай туриб, Ўзбекистоннинг имкониятини янада кенгайтириш мумкин эмас.

Эндиликда республикада цемент, пардозлаш материаллари, линолеум, ғишт, ғовакли тўлдиргичлар, радиаторлар ва илгари бошқа республикалардан етказиб берилган кўпгина нарсалар ғоят тақчил бўлиб турибди.

Қарорда ана шундай бинокорлик материалларини ишлаб чиқаришни икки-олти баравар кўпайтириш кўзда тутилган. Табиийки, қарорни рўёбга чиқариш учун жуда кўп миқдорда, яъни икки миллиард сўм атрофида капитал маблағ сарфлаш талаб қилинади. Муаммонинг ўткирлигини ҳамма сезиб турибди. Бироқ ҳукумат программаси амалда қандай рўёбга чиқарилмоқда?

Министрликлар ва идоралар ишини таҳлил этиш уларнинг кўпчилигида ишлар фақат оғизда олиб борилаётганлигини кўрсатди. Режалаштирилган объектлар шу пайтгача лойиҳа-смета ҳужжатлари билан таъминланмаганлигини, уларга маблағ ажратилмаётганлигини кўрсатувчи анчагина мисоллар бор. Турли баҳоналар билан қарорни бажаришдан бош тортиш кайфияти сезилди. Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги буюртма берган объектларнинг қурилиши, айниқса, хавотирлик уйғотади. Ҳукумат программаси ҳажмининг деярли ярми ана шу министрлик улушига тўғри келади. Министрликда тўрт ой ичида йиллик ҳажмининг атиги 11,3 фоизи бажарилди. Бу — ишларнинг деярли 90 фоизини қолган вақтда бажариш зарурлигини билдиради. Аммо тажриба шуни кўрсатадики, қўлдан бой берилган вақтнинг ўрнини қоплаш анча мураккабдир. «НИИстромпроект» бош институтининг лойиҳалаш-смета ҳужжатларини жадал ишлаб чиқишга оид ишлари ҳам анчагина шикоятларга сабаб бўлмоқда.

Қурилаётган корхоналарда ҳам таҳликали аҳвол вужудга келди. Бу йил 23 та йирик объектни ишга тушириш лозим. Улардан ярми 1989 йилдан қолган қурилишлардир. Бироқ атиги олтита объектдагина қурилиш-монтаж планлари бажарилди. Наманган областидаги Аҳса посёлкасида, Қашқадарё областидаги Яккабоғ ва Самарқанд областидаги Каттақўрғон шаҳарларида ғишт заводлари қурилишида жиддий қолоқликка йўл қўйилди. Ана шу заводларни республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг бўлинмалари қурмоқдалар. Қурилиш министрлиги бўлинмаларида ҳам ишларнинг аҳволи бундан яхши эмас. Энг муҳим объект — Чирчиқдаги керамзит заводида топшириқлар барбод бўлди.

Қарорда қурилиши кўзда тутилган бир қатор корхоналар юзасидан маблағ билан таъминлаш манбаларини аниқлаш масалаларини ҳал этмаган Давлат кооператив-қишлоқ хўжалиги комитети ва Ўзбекистон Агросаноат қурилиши комитети қолоқлар қаторидадир. Бунинг устига Давлат кооператив-қишлоқ хўжалиги комитети Фарғона водийси колхозларида 35 та кичик ғишт заводи қуриш борасида графикдан анча орқада қолмоқда. Ваҳолонки, улардан 22 таси келгуси йилдаёқ маҳсулот бериши керак.

Шуни таассуф билан таъкидлашга тўғри келадики, планлаштирилган объектлар учун ер ажратиш масалалари илгаригидек қийинчилик билан ҳал этилмоқда. Маҳаллий маъмурлар мазкур масалаларни ҳал этишда сусткашлик қилмоқдалар. Бунга бир неча мисол келтириш мумкин. Тошкент ва Бухоро область ижроия комитетлари шу пайтгача ғишт заводини ва мармар плиталар цехи учун хом ашё базасини барпо этиш жойларини аниқламадилар. Фарғона область ижроия комитети «Қувасайстекло» ишлаб чиқариш бирлашмаси учун салкам 10 гектар ва Қувасойдаги ғишт заводи учун ҳам худди шунча ер ажратиш тўғрисидаги масалани ҳал этмади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорида республиканинг янги корхоналар жойлаштириладиган областлари ва районлари аниқ белгилаб берилган. Кўп иш қилинди, миллион-миллион кишиларнинг манфаатлари ҳисобга олинди. Лекин завод ва комбинатлар қуришдан аввал уларни хом ашё базасига энг кўп даражада яқинлаштириш зарур. Бу борада «Узбекгеология» бошқармасининг ходимлари ўз фикрини айтишлари лозим. Улар бевосита шартномалар асосида янги конларни қидиришлари зарур. Аммо Ғаллаорол, Ширмонбулоқ, Қизилсой сингари ва бошқа конларни қидириш учун маблағ ажратиш масалалари ҳамон ҳал этилмай қолмоқда. Бундай муносабат хом ашё запасларини ўз вақтида аниқлашнинг барбод бўлишига ва қонуний тарзда, янги корхоналар қурилишининг чўзилиб кетишига олиб келиши мумкин.

Қарорда кўзда тутилган объектларни моддий-техникавий таъминлаш муаммолари, айниқса, ўткир бўлиб турибди. Масалан, Ўзбекистон ССР Давлат таъминот комитетининг «Узместкомплект» ташкилоти бу йил ишга тушириладиган барча ғишт заводларини шу пайтгача тўлатўкис жиҳозламади. Давлат кооператив-қишлоқ хўжалиги комитети ва Ўзбекистон Агросаноат қурилиши комитети ғишт заводлари учун 500 комплект ускуна ишлаб чиқариш тўғрисидаги масалани ҳал этишлари лозим эди. Шу кунгача атиги 132 та комплект ишлаб чиқариш планлаштирилди. Ўзбекистон ССР Давлат план комитети биринчи кварталда ўн еттита машинасозлик корхонасида Ўзбекистон металлургия заводининг электр пайвандлаш қувурлари ишлаб чиқариш тўғрисидаги буюртмаларини белгилади. Бироқ маҳсулот тайёрлаб берувчи корхоналар билан атиги олтита шартнома тузилди...

Кенгашда республиканинг келгуси беш йилликдаги имконияти қандай бўлишини бу йил кўп жиҳатдан белгилаб бериши айтиб ўтилди. Келгуси йилда 80 та янги объект қурилишини бошлаш, 52 та корхонани фойдаланишга топшириш керак бўлади. Улар орасида деворбоп материаллар, оҳак, норуда материаллар, ғовакли тўлдиргичлар ва линолеум ишлаб чиқарадиган заводлар бор. Шунинг учун ҳукумат программасида қатнашадиган маҳаллий Советлар ижроия комитетлари, министрликлар ва идоралар бу ғоят муҳим ишга ўз муносабатини ўзгартиришлари зарурлиги биринчи даражали вазифадир. Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун иложи борича тезроқ барча чораларни кўриш, ер ажратиш муаммоларини ҳал этиш, объектларни материаллар ва ускуналар билан таъминлаш лозим. Чунки мустаҳкам қурилиш базаси — Уй-жой программасини бажариш, республиканинг маҳаллий хом ашё ва материалларни ишлаб чиқариш имкониятини кўпайтириш кафолотидир.

Кенгаш ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Давлат план комитетининг раиси Б. С. Ҳамидов иштирок этди.

(ЎзТАГ).

ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА 1991 ЙИЛ СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ МУКОФОТЛАРИНИ ОЛИШ УЧУН АСАРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Мукофот олиш учун ёқилғи-энергетика, меҳнат ва хом ашё ресурсларининг оқилона сарфланишини таъминловчи техника, прогрессив материаллар, технология жараёнларининг янги турларини вужудга келтириш ва жорий этиш билан якунланган илмий тадқиқотлар ва ишлар тақдим этилади.

Давлат илмий-техникавий программалари доираларида бажарилган ишлар афзалроқ ҳисобланади.

Мукофот олиш учун тақдим этилган ишлар илмий-техник жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланган, ишлаб чиқаришда кенг қўлланилган ва катта иқтисодий самара берганлиги тасдиқланган бўлиши керак.

Касаба союзлари марказий комитетлари ва кенгашлари билан биргаликда СССР Министрликлари ва идоралари, иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари, СССР Фанлар академияси, тармоқлараро давлат бирлашмалари, давлат концернлари ҳамда уюшмаларининг мукофот учун ишларни тақдим этишларига рухсат берилган.

Ишлар юзасидан барча материаллар СССР Фан ва техника давлат комитетининг илмий-техникавий ахборот бўлимида қабул қилинади.

Унинг манзилгоҳи: 103905, Москва, Горький кўчаси, 11-уй, телефонлар: 229-42-12, 229-03-05, 229-81-12. Материалларни қабул қилиш 1990 йил 1 сентябрда тўхтатилади.

Расмий ахборот

ДОННИНГ ЯНГИ ХАРИД НАРХЛАРИ

СССР Министрлар Совети «1990 йилда давлат томонидан дон харид қилишни рағбатлантириш чоралари тўғрисида» қарор қабул қилди. Нарх белгилашни ислоҳ қилишда кўзда тутилган дон экинлари учун давлат янги харид нархларини жорий этиш муддатларини яқинлаштириш ва бу нархларни шу йилги ҳосилдан бошлаб белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Дон нарҳлари шу вақтгача амал қилиб келган устамаларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, ҳақиқий тўловларга нисбатан 1,5 баравардан зиёд ортади.

Янги давлат харид нархлари озиқ-овқат учун юқори сифатли дон етиштириш ва давлатга сотишдан хўжаликларнинг иқтисодий манфаатдорлигини анча оширади. Хусусан, бу маҳсулотларнинг айрим турлари бўйича нархлар қуйидагича ўзгаради:

	Ҳар тоннасига сўм ҳисобида	
	Устамаларни ҳисобга олганда амалдаги ўрта-ча тўловлар	Янги харид нархи
Юмшоқ буғдой: I класс	260	500
II класс	205	400
III класс	181	300
Қора буғдой	194	300
Энг қиммат навли дон: шоли	423	700
Маржумак (гречиха)	730	950
Сули	292	340
Пивобоп арпа	162	380

Пестицидларни ишлатмай етиштирилган ҳамда болалар учун ва парҳез таомлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган озиқ-овқатбоп дон экинлари нархи анча ортади. Ем учун етиштирилган арпа, сули, маккажўхори ва бошқа экинлар нархи ҳам ортади.

Чорвачилик маҳсулотларининг қимматлашувига йўл қўймаслик учун давлат ресурсларидан колхозларга, совхозларга ва бошқа қишлоқ хўжалик истеъмолчиларига сотиладиган омихта емнинг амалдаги улгуржи нархларини 1990 йилда ҳам сақлаб қолиш зарур, деб топилди.

Буғдой, маккажўхори, арпа, сули, ёрмабоп, дуккакли ва бошқа экинларнинг янги харид нархлари республикалар, ўлкалар ва областларнинг Совет ҳамда хўжалик идораларига етказилди.

СССР Министрлар Совети колхозларнинг, совхозларнинг ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг меҳнат коллективларига мурожаат қилиб, дон етиштиришни кўпайтириш учун қулай иқтисодий шароитдан фойдаланишга ва шу асосда 1990 йилда давлатга дон сотиш кўпайишини таъминлашга чақиради.

Фармон сатрлари замирида

Ветеранлар раҳмат дейишмоқда

● Ўзбекистон ССР Президентининг ветеранларимизга қўшимча имтиёзлар тўғрисидаги Фармони ўзининг аниқ-равшанлиги билан эътиборни тортади. Умумий сўзлар, дудмал иборалар йўқ. Дарҳақиқат, оғир уруш йилларида мамлакатни ҳимоя қилган, Ватан олдидаги бурчини бажариб, куч ва соғлиғини аямаган кишилар алоҳида эътиборга лойиқдирлар.

Тошкентда 240 мингдан кўпроқ ветеран, шу жумладан 26 мингдан зиёд уруш ветерани, уч мингдан ортиқ байналмилалчи жангчи яшаб турибди. Буларнинг ҳаммаси ҳам моддий жиҳатдан етарли таъминланган эмас, уй-жой шароитларини ҳал қилишда ҳам уларга ёрдам керак. Яқинда текшириб чиқилган тўрт минг ветерандан бир ярим минг нафари ёрдамга муҳтож. Шаҳар ветеранлар ташкилоти уларга ёрдам бериш учун ўзи ҳам кўп иш қилмоқда. Ленин, Акмал Икромов районларида ветеранлар марказлари тузилган, шаҳарнинг бошқа районларида ҳам шундай марказлар ташкил қилинади. Бу йил муҳтожлар учун интернат уй қуриш режалаштирилмоқда, ветеранларнинг ва байналмилалчи жангчиларнинг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлашга, ногиронлик спортини ривожлантиришга кўп эътибор берилмоқда. Бизнинг ҳамма ишларимизда меҳр-мурувват ва Қизил ярим ой шаҳар жамиятлари яхши кўмак бермоқдалар.

Республика Президентининг Фармони бизнинг кучғайратларимизга сезиларли мадад беради. Аммо маҳаллий идоралар бу Фармонни амалга оширишни пайсалга солмасликлари, муҳтожларга самарали ёрдам беришлари муҳимдир. Ветеранлар эса ғамхўрлик учун раҳмат айтиб, қайта қуришнинг долзарб масалаларини ҳал этишда партия билан ҳукуматга янада зўр ғайрат билан кўмаклашадилар.

Л. СУЗДАЛЬЦЕВА.
Уруш ва меҳнат ветеранлари Тошкент шаҳар кенгашининг масъул котиби.

(ЎзТАГ).

Область Советининг сессияси

ЖИЗЗАХ, 12 май (ЎзТАГ). Бугун бу ерда халқ депутатлари Жиззах область Советининг навбатдан ташқари сессияси бўлди.

Ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Халқ депутатлари область Советининг раиси, Жиззах область партия комитетининг котиби Х. Аширқулов раислик ваколатини ўз зиммасидан соқит этганлиги муносабати билан область Советининг раислигига сайлов бўлди.

Область Советининг раиси этиб Жиззах область партия комитетининг биринчи котиби Э. Турсунов сайланди.

ИЖОДИЙ ТАШАББУС ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Тошкент. Собир Раҳимов ноҳиясидаги 29-ўрта мактаб ўқитувчилар жамоасининг ишлари тобора қизиқарли бўлиб бораётир. Уларнинг ташаббуси ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Гап фақат дарсларни ўтиш услубидагина эмас, бу ерда синфларни кўргазмали ва бошқа қўлланмалар билан безашгача бўлган ишлар самарали олиб борилмоқда. Бу ишда ўқитувчи Орзухон Пўлатованинг музика синфи гоят чиройли безатилган.

Бу ишларда мактаб директори, жумҳуриятда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими Светлана Азизхўжаеванинг хизмати катта. У 17 йил шу мактабда ўқитувчи ва директор бўлиб ишламоқда. Бунинг устига икки йил мобайнида Афғонистонда ҳам сабоқ берган. У шаҳар Совети депутати, ноҳия хотин-қизлар кенгаши раиси ҳамдир.

Суратда: араб тили муаллими Фазлиддин Аминов 9-синф ўқувчиларига сабоқ бермоқда.

Г. ИГНАТЬЕВ, Р. ШАМСУТДИНОВ суратн.

(ЎзТАГ).

ОБКОМ ПЛЕНУМЛАРИ

Нукусда Қорақалпоғистон область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум иштирокчилари область партия комитетининг биринчи котиби С. Д. Ниетуллаевнинг область партия комитетининг XXXI область партия конференциясида қиладиган «Қайта қуришнинг бориши ва асосий йўналишлари, автоном республикани ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан янада ривожлантириш юзасидан область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида»ги доклади лойиҳаси ҳақидаги нутқини тинглашди.

Пленум область партия конференциясига тайёргарлик комиссиясини тузиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Шаҳар ва район партия конференцияларида Ўзбекистон Компартияси XXII съездига, КПСС XXVIII съездига, область партия ташкилотининг сайлаб қўйиладиган органларига делегатлар состави юзасидан киритилган таклифларни кўриб чиқувчи комиссия составига тавсия этилган ҳамда Ўзбекистон Компартияси ва КПСС Марказий органларига тавсия этилган номзодлар эътиборга олиб қўйилди.

Пленум Ш. Уснатдиновни область партия комитетининг котиби ва бюро аъзоси лавозимларидан озод қилиб, «Совет Қарақалпақстани» рўзномасининг муҳаррири этиб тасдиқлади. ЎзТАГ.

* * *

УРГАНЧ, 12 май. (ЎзТАГ). Бу ерда Хоразм область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум иштирокчилари область партия комитетининг XXIV область партия конференциясига «Қайта қуришнинг бориши ва уни жадаллаштириш, ижтимоий-сиёсий турмушни демократиялаш борасида область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида»ги ҳисобот доклади лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Пленум область партия ташкилотининг сайлаб қўйиладиган органлари составига, КПСС ва республика Компартиясининг сайлаб қўйиладиган Марказий органлари составига таклифлар ишлаб чиқиш, КПСС XXVIII съездига ва Ўзбекистон Компартияси XXII съездига делегатликка номзодлар состави бўйича комиссияни тасдиқлади.

Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди. Л. И. Нетяга бошқа ишга ўтганлиги ва республикадан ташқарига жўнаб кетиши муносабати билан Хоразм область партия комитетининг иккинчи секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод қилинди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ижтимоий-иқтисодий бўлимининг инструктори бўлиб ишлаган А. П. Володарский Хоразм область партия комитетининг иккинчи секретари ва бюро аъзоси этиб сайланди.

Пленум В. И. Духно бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан уни Хоразм область партия комитетининг секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод қилди. Хоразм область партия комитети Ижтимоий-иқтисодий бўлимининг мудири бўлиб ишлаган И. Аҳмедов Хоразм область партия комитетининг секретари ва бюро аъзоси этиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Ж. Ҳамидов, Хоразм область партия комитетининг биринчи котиби Р. М. Худойберганова сўзга чиқдилар.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар ва кадрлар билан ишлаш бўлимининг мудири П. В. Догонкин иштирок этди.

СОВЕТ НЕМИСЛАРИ МУАММОЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИДА

Совет немислари муаммолари билан шуғулланувчи давлат комиссиясининг навбатдаги мажлисида СССР Олий Совети яқинда қабул қилган «Ўз миллий — давлат тузилмаларидан ташқарида истиқомат қилувчи ёки СССР территориясида шундай тузилмаларга эга бўлмаган СССР гражданларини миллий жиҳатдан эркин ривожланиши тўғрисида»ги Қонунидан келиб чиқадиган бир қанча масалалар кўриб чиқилди.

Совет немисларининг ҳуқуқларини тиклаш билан боғлиқ амалий масалаларни ўрганиш ва ҳал этиш борасида белгилаган программа доирасида ишчи гуруҳларнинг Олтой ўлкасига, Қирғизистон ССРга ва Ўзбекистон ССРга сафари натижалари ана шу нуқтаи назардан муҳокама қилинди. Мажлисда таъкидланганидек, мазкур районларда истиқомат қилувчи 270 минг немис иқтисодиётни ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб, муносиб ҳурмат-эҳтиром қозонмоқда. Кейинги вақтда маҳаллий идораларнинг совет немисларининг миллий-маданий эҳтиёжлари ва манфаатларини қондиришга эътибори кучайди. Айни пайтда бу иш ҳали замонавий талабларга ва ана шу СССР Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан очиладиган имкониятларга ҳали мос келмайди. Бу энг аввало немис миллий мактаблари ва синфларини ташкил этишга, миллий маданиятни, анъаналар ва урф-одатларни сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш учун, немис тилида ахборот олиш учун шарт-шароитларни кенгайтиришга таалуқлидир. Ана шу мақсадда совет немислари жам бўлиб яшайдиган жойларда миллий районлар, посёлка ва қишлоқ Советлари тузиш муҳим аҳамият касб этади. Шу муносабат билан комиссия аъзолари Олтой ўлкаси Славгород районидаги бир қанча хўжаликларнинг бу ерда илгари мавжуд бўлган немислар миллий районини тиклашга доир ташаббусини қўллаб-қувватловчи фикр билдирдилар.

Комиссия аъзолари жойларга бориб, совет немисларининг миллий манфаатларини ва ижтимоий-маданий эҳтиёжларини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ўрганишни давом эттириш, жумладан, келгуси мажлисда Қозоғистон ССРда ана шу ишнинг аҳволини муҳокама қилиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Мажлисда СССР янги Қонунининг ва КПСС Ҳаракат дастурининг миллий сиёсатга доир принципларига мувофиқ умумиттифоқ даражасида совет немислари уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Шу нарса таъкидландики, совет немисларининг республика ва бошқа территориал бирлашмалари, маданий марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш билан бир қаторда бундай уюшманинг ташкил этилиши Иттифоқ ва республика давлат идораларида мамлакатнинг ана шу икки миллионли халқи манфаатларини тўлароқ акс эттиришга имкон берган бўлур эди. Пировард натижада бу нарса совет немисларининг энг муҳим муаммоларини ҳал этишга, уларнинг давлатчилигини тиклашга кўмаклашади.

(ТАСС).

Долзарб мавзуда суҳбат

ИНСОН ВА СОЦИАЛ АДОЛАТ

КПСС XXVII съездида ижтимоий тараққиётни жадаллаштиришнинг ажралмас қисми сифатида партия социал сиёсати кўп жиҳатдан янгича очиб берилган. КПСС Марказий Комитетининг съездга Сиёсий докладида таъкидлаб ўтилганидек, совет жамияти ривожининг эришилган даражаси, партия олга сурган янги вазифалар кўлами жамият ҳаётининг барча томонларини қамраб олувчи узоқ муддатли, пишиқ-пухта ўйлаб чиқилган, кучли ижтимоий сиёсатни талаб қилади. «Социал соҳа томон қатъий бурилиш ясай олсак, — дейилади докладда, — ана шунда ҳаётимизнинг кўпгина бугунги ҳамда эртанги муаммолари шу дамгача бўлганига қараганда тезроқ ва самаралироқ ҳал этилади».

ПАРТИЯ XXVII съездининг ўзак ғояларидан бири социал адолат бўлиб, у фаол, кучли социал сиёсатнинг асосий принципларини ўзида мужассам этади. «Партия социал адолат принципига қаттиқ риоя қилади, бу принципнинг оғишмай амалга оширилишига халақит берадиган ҳамма ҳолларнинг бартараф этилишига қунт билан эриша боради», — дейилади КПСС Марказий Комитети Сиёсий доклади юзасидан қабул қилинган съезд резолюциясида.

Социалистик жамиятда социал адолат тушунчаси социал соҳада эришилган ютуқларни ҳам, шунингдек, ҳал этилиши лозим бўлган ижтимоий вазифаларни ҳам ифодалайди. Социал адолат принципларини оғишмай амалга ошириш жамият бирлиги ва сиёсий барқарорлигининг, унинг жўшқин ривожланишининг муҳим шартидир.

Социал адолатни қарор топтириш йўли осон ва силлиқ эмас. Бу йўлда хатолар ҳам, социализм принципларидан чекинишлар ҳам бўлди.

Партия XXVII съезди КПССга ва халққа қийинчиликлар ва камчиликларнинг нохуш тенденцияларнинг сабабларини очиқ-ойдин ва ошкоралик билан айтди. Мана шу сабаблар орасида инсонга етарли даражада эътибор берилмаганлик ҳам, социал адолат масалаларига, уни жамиятнинг кундалик ҳаётида амалда қарор топтиришга аҳамият сусайганлиги ҳам бор.

Бундай муносабат, айниқса, Ўрта Осиё регионида шароитида яққол намоён бўлди. Жумҳуриятларнинг давлат суверенитети кўп жиҳатдан қоғозда қолиб кетди. Муҳим регионал муаммоларни ҳал этишда уларнинг мустақиллиги чегараланиб қўйилди. Марказий идораларнинг масалаларга маҳкамавий ёндашуви объектив иқтисодий қонунларни, инсон, жамият ва табиат тараққиёти қонунларини, миллий хусусиятларни, анъаналарни, турмуш тарзини, регионнинг иқлим ва жуғрофий хусусиятларини, инкор этди. Натижада регион халқ хўжалиги хом ашё етказиб берадиган ўлка сифатида ривожлана борди. Ишлаб чиқарувчи кучларни тараққий эттириш ва жойлаштиришда, социал инфраструктура соҳаларида анчагина номутаносиблик пайдо бўлди.

Булар, шунингдек, экологик ва нуфус омиллари таъсирини ҳисобга олинмасдан тузилган ижтимоий-иқтисодий планлар, миллий даромад ва аҳоли жон бошига олинадиган даромадлар бўйича ўртача Иттифоқ кўрсаткичларидан анча орқада қолишга, халқ турмуш даражасининг жиддий ёмонлашувига олиб келди. Пахтачиликда ялпи ҳажмлар кетидан асоссиз қувиш, пахта яккаҳокимлиги, деҳқончиликнинг илмий асосланган системаларини менсимаслик ҳам салбий таъсир кўрсатди.

Кейинги чорак аср мобайнида ишлаб чиқариш коллективларининг ижтимоий соҳаларини ривожлантиришга ажратиладиган капитал маблағлар улуши мунтазам суратда камайиб борди. Ўн биринчи беш йиллиқда бутун Ўзбекистон бўйича ишлаб чиқариш капитал маблағлари ҳиссаси бор-йўғи 25,3 процентни ташкил этди.

Киши ривожидаги айрим салбий тенденциялар ҳам кучайди. Кейинги ўн йилликлардаги ижтимоий-иқтисодий, экологик ва нуфус омиллари мажмуи одам ҳаётий фаолиятининг ижтимоий ва биологик жиҳатларига салбий таъсир ўтказди. «Инсон ўлчовлари» нинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари ёмонлашди.

ТАДҚИҚОТЛАР шуни кўрсатдики, Ўрта Осиё жумҳуриятлари туб аҳолисининг бўйи ўртача мамлакат Европа қисми аҳолисиникига нисбатан 3—5 сантиметр паст экан. Бундай ўзгаришлар айниқса, ҳозир Ўрта Осиё республикаларининг пахтакор районларида яшовчи болалар ва ўсмирлар ўртасида кўзга ташланмоқда. Чунки, бу жойларда жуда кўп миқдорда пестицидлар ва минерал ўғитлар ишлатилмоқда. Ичимлик суви ва озиқ-овқатларнинг кимёвий таркиби йилдан-йилга ёмонлашмоқда. Улар сифатсизлигидан ташқари, истеъмол қилиниш миқдори жиҳатидан ҳам аҳоли жон бошига мамлакатда энг кам ҳисобланади. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 3,5 миллион қишлоқ аҳолиси ариқ сувидан фойдаланади. Канализация системаси 124 та шаҳардан 46 тасида, 97 шаҳар посёлкасидан 15 тасида ҳамда атиги 5 та район қишлоқ марказидагина мавжуддир.

Ҳозир жумҳуриятимизда 9 миллион киши ёки аҳолининг 45 фоизи қашшоқликда яшамоқда. 1 миллиондан кўпроқ ишсиз бор. Буларнинг ҳаммаси инсон ҳаётий фаолиятининг ижтимоий ва биологик жиҳатларини кескинлаштирмоқда. Натижада касалланиш, ўлим ортиб, ўртача умр қисқаряпти.

Ҳар қандай жамиятда социал адолатнинг муҳим мезони аҳоли турмуши сифати ва саломатлиги даражасидир. Бироқ ҳозирги замон ижтимоий ва илмий соҳаларида эришилган ютуқларга қарамай, эндиликда эркаклар илгаригига қараганда ўртача 12, хотин-қизлар эса 8 йил кам умр кечирмоқдалар. Ўрта Осиё республикаларида ўртача умр 1985 йилда 1950 йилдагидан кам бўлди.

Болалар ўртасида ўлим кўплигича қоляпти. Ўрта Осиё ва Қозоғистонда мамлакат аҳолисининг 16,7 проценти истиқомат қилади. Бироқ бу ерда болаларнинг 28 фоизи туғилиб, уларнинг 46 процентдан кўпроғи бир ёшга етмай ҳаётдан кўз юммоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон болалар ўлими жиҳатидан дунёда 75-ўринни эгаллайди.

Исталган регионда болалар ўлими даражаси кўп жиҳатдан соғлиқни сақлашнинг моддий-техника базасига ва кадрлар билан таъминланишга, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг қандай ташкил этилганлигига боғлиқдир.

Ҳозирги пайтда, масалан, Ўзбекистонда ҳар ўн минг болага касалхоналарда 76,2 ўрин тўғри келмоқда. Норма бўйича эса 113,7 та ўрин бўлиши керак. Умуман жумҳуриятимиз бўйича ўртача ҳар битта бола кровати учун 2,3—3 квадрат метр саҳн тўғри келмоқда. Норма эса 7 квадрат метрдир. Айниқса, юқумли касалликлар стационарларининг аҳволи ташвиш туғдиряпти. Уларнинг 70 фоизи мослаштирилган биноларга жойлашган. 20 фоизида канализация йўқ. 65 фоизи иссиқ сувга эга эмас. 20 фоиздан кўпроғига сув бошқа жойдан ташиб келтирилади.

Болаларга тиббий хизмат кўрсатиш ҳам қониқарсиз аҳволда. Ўрта Осиё жумҳуриятлари туғилиш кўп бўлишига қарамай, болалар врачлари билан кам таъминланган. Уларнинг миқдори ўртача Иттифоқ кўрсаткичидан 40 фойиз кам.

Болалар ўртасида ўлимнинг кўплиги аёллар саломатлиги билан чамбарчас боғлангандир. Мураккаб турмуш шароитлари, тиббий хизмат кўрсатиш савиясининг пастлиги, хотин-қизларнинг оғир ва зарарли ишларда бандлиги уларнинг сиҳат-саломатлигига салбий таъсир этяпти.

Шу кунларда қарийб 200 минг хотин-қиз, шу жумладан, 10 мингдан кўпроқ аёллар ноқулай ҳамда жисмонан оғир ишларда меҳнат қилмоқдалар. Ҳомиладор аёлларни республикалардаги пахта тозалаш саноати корхоналаридаги иши ўткир муаммога айланган. Натижада, Ўрта Осиё жумҳуриятларида 1988 йилда янги бўшанган аёлларнинг 30 фойизидан кўпроғи касалликка чалинди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, кўп йиллар мобайнида регион қишлоқ меҳнаткаш аёлларининг иш шароити амалда ўзгармай келяпти. У жуда оғир меҳнат бўлишига қарамай, айни пайтда зарарли ҳамдир. Бу ижтимоий (иқтисодий жиҳатдан ҳам) масала бўлиб, пахтачиликни химиялаш қўлами билан боғлиқдир. Бу тадбир атроф-муҳитга, сув манбаларига, бевосита хотин-қизлар сиҳат-саломатлигига зарар етказмоқда. Табиийки, хотин-қизлар саломатлиги бўлажак фарзандлар саломатлигига ҳам таъсир этмасдан қолмайди. Маъмурий-буйруқбозлик системаси миллион-миллион тонна пахта кетидан қувиб, йил сайин одамлар куч-қувватини сўриб олишда устаси фаранг бўлиб кетган эди.

Маркс сўзлари билан айтганда, у одамлар куч-қувватини, жонли меҳнатни беҳудага исроф қилди. У тана ва қонни исроф қилибгина қолмай, асаблар ва миянни ҳам ишдан чиқаради. Маркс бу гапларни капитализм ҳақида айтган эди. Маълум бўлишича, маъмурий-буйруқбозлик социализми ҳам шунга олиб келар экан.

Регионда туғилишнинг кўплиги, аҳоли табиий ўсишининг юқорилиги паст меҳнат унумдорлиги билан, айниқса, қишлоқ хўжалигида қўл меҳнатининг юқорилиги билан узвийлашиб кетган. Шу боис бу ердаги жумҳуриятларда ижтимоий-маиший инфраструктуранинг асосий қисмлари, шу жумладан, уй-жой қуриш, маиший хизматлар, табобат муассасалари, болалар боғчалари ва яслилари бунёд этишда жиддий орқада қолинди. Бу нарса Ўрта Осиё регионидаги жумҳуриятлар ва мамлакат бошқа республикалари ўртасидаги касалхоналар билан таъминланиш соҳасидаги жиддий фарқда яққол кўринади. Масалан, 1970 йилдан 1986 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги фарқ 7,2 банддан 19,9 бандга кўпайди.

1985 йилда бир киши ҳисобига соғлиқни сақлаш учун сарфланган маблағ Тожикистонда 41, Қирғизистонда 44, Эстонияда 68,9, Латвияда 70, Украинада 52 сўмни ташкил қилди. Кўринib турибдики, бу маълумотлар социал адолатнинг энг оддий принциплари яққол бузилганлигидан далолат беради. Демак, марказий планлаштириш-иқтисод органлари социал жиҳатдан ривожланишнинг регионал муаммоларига ёндашувини қайта қуриш керак.

Врачларнинг Бутуниттифоқ қурултойида ҳақли равишда таъкидлаб ўтилганидек, аҳоли жон бошига сарфланадиган норматив харажатлар тўғрисида ҳам ўйлаб кўриш пайти келди. Туғилиш кўп бўлган Ўрта Осиё, Қозоғистон, РСФСРнинг бир қатор районлари, Озарбайжонда мана шу муаммоларни ҳал этишга нисбатан ёндашувларимиз Болтиқбўйи, Белоруссия, Украинага ёндашувлардан фарқ қилиши лозим.

Болаларни мактабгача тарбия муассасаларига жойлаштиришдаги мавжуд қийинчиликлар хотин-қизларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш имкониятларини чеклаб қўймоқда. Шу боис региондаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий ва маданий муаммоларни тезроқ ҳал этиш талаб этилади.

СОЦИАЛИЗМ шароитларида давлат тарихда биринчи марта аҳоли сиҳат-саломатлиги учун бутун масъулиятни ўз зиммасига олди. Халқ сиҳат-саломатлигини муҳофаза этиш бўйича барча иқтисодий, ижтимоий ва тиббий чора-тадбирларни таъминлашнинг ташкилий ва моддий жиҳатларини қонун йўли билан мустаҳкамлади. Партия ва Совет давлати социал сиёсатнинг энг ўзак масалаларини ҳал этишнинг истиқбол режаларини ҳам шундай белгилади.

Шунга кўра, социалистик миллатларнинг ягона Совет давлати таркибида ўзаро ҳамкорлиги асосларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларни оқлаб бўлмайди. Агар шундай қилинадиган бўлса, ҳар бир миллат ва элат ўз жумҳурияти ҳудудида иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни, жумладан, сиҳат-саломатликни муҳофаза қилиш масалаларини ўзи ҳал этиши керак бўлади. Ижтимоий соҳанинг моддий базаси заиф бўлган, туғилиш юқорилигича қолаётган жумҳуриятлар мана шу муаммоларни ўз имкониятлари даражасида еча олмайдилар. Мамлакатимиздаги жумҳуриятлар, халқлар ва элатлар манфаатлари ва куч-ғайратларининг бўлиниб кетиши фақат ижтимоий соҳадагина эмас, бошқа жиҳатларда ҳам ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Тўғрироғи, миллатларнинг сиёсий ва иқтисодий иттифоқига зарба бўлиб тушади. Бу иттифоқ дарз кетмаслиги лозим. Ў социалистик қайта ўзгартиришлар асоси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил февраль Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, ҳозир биз ўзини ўзи пул билан таъминлаш, ўзини ўзи бошқариш тўғрисида гапираётганимизда республиканинг ҳозирги аҳволи, унинг ижтимоий-иқтисодий базаси аслида ҳисобга олинмаяпти. Жумҳуриятимизнинг ижтимоий-иқтисодий базаси шундайки, бизда ходимларнинг ўртача иш ҳақи мамлакатдаги ўртача даражадан тахминан 4,1 баравар, аҳоли жон бошига даромадлар эса деярли икки баравар камдир... Одамлар ўз эҳтиёжларининг қондирилишига қолдиқ принципи билан ёндашишга қачонгача тоқат қила оладилар? Ахир, ҳеч бўлмаганда энг кам даромадли қандайдир норматив мезони бўлиши керак. Ҳозир янгиланаётган федерация шароитида республикалардан бири аҳоли турмуши даражаси жиҳатидан бошқа регионларга нисбатан икки баравар орқада қолишига йўл қўйиб бўладими, ахир.

Бироқ ҳозирча бу йўналишларда амалий чора-тадбирлар кўрилмаяпти. СССР халқ депутатлари иккинчи Съездида ҳукумат қилган докладда ҳам иқтисодий ислоҳотнинг регионал жиҳати етарли равишда ҳисобга олинмаган. Энг аввало, бу нарса ҳам Иттифоқ бюджетидан регионимизнинг ижтимоий, нуфус ва иқтисодий муаммоларини ҳал этишни жадаллаштириш учун марказлашган маблағлар ажратиш масалалари ифода этилмаганлигида кўринади. Бундан ташқари Ўрта Осиё жумҳуриятларидан сайланган СССР халқ депутатлари уқтириб ўтишганидай, хом ашё ва ярим фабрикатлар ишлаб чиқарувчи республикалар бюджетига пировард маҳсулот реализациясидан олинадиган даромадлар оборотидан солиқни тақсимлашга янгича ёндашувлар сезилмаяпти.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ижтимоий-иқтисодий муаммолар адолатли ечилмас экан, кишилар меҳнат фаолиятини активлаштиришнинг муҳим омили бўлмиш инсон ва унинг саломатлиги муаммолари комплекс ҳал этилмасдан қолаверади.

Региондаги партия ва совет идоралари нуфус сиёсатини умумдавлат даражасига кўтаришлари керак. Бунда аҳолини жойлаштиришни ривожлантириш, хотин-қизлар, кексалар аҳволини яхшилаш, оилани шакллантириш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш бўйича ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирларни кенг кўламда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш биринчи ўринда турмоғи лозим.

Ю. ШОДИМЕТОВ,
фалсафа фанлари доктори.

ТИЛШУНОСЛАР ҲАМКОРЛИГИ

11 май куни Тошкентда очилган олтинчи халқаро конференцияда СССР ҳамда ГДР олимлари ва мутахассислари немис тилини ўқитиш соҳасидаги ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилмоқдалар. Конференция студентларнинг тил тайёргарлиги даражасини ошириш, ўқитишнинг жадал усулларини жорий этиш муаммоларига бағишланди. Конференцияда Москва, Тошкент ва бошқа шаҳарларнинг тилшуносларидан бирга Берлин, Грейфсвальд, Дрезден, Лейпциг университетларидан вакиллар ҳам иштирок этишмоқда.

— Совет студентлари қизиқиш билан ўрганаётган немис тили мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги дўстликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилиши лозим, — деди Германия делегациясининг раҳбари, Берлин университетининг вакили доктор Хорст Брайтунг. — Айни шунинг учун ҳам биз анъанага айланиб бораётган бундай учрашувларга катта аҳамият беряпмиз. Шуниси қувонарлики, бундай учрашувлар тобора кўпроқ жойларда ўтказилмоқда. Аввалги конференция Тбилисида бўлган эди, эндигиси эса шу йил ўзининг 70 йиллигини нишонлаётган Тошкент университетида ўтказиляпти.

Доктор Брайтунг рафиқаси Хельга билан бирга ҳозир шартномага мувофиқ Москвада, Морис Торез номли чет тиллар педагогика институтида ишламоқда. У Ўзбекистон пойтахтида илгари ҳам бўлган, Тошкент университетининг роман-герман факультетидаги ҳамкасблари билан тажриба алмашган эди. Бу галги учрашув, олимнинг фикрича, алоқаларни янада мустаҳкамлайди. Хусусан ТошДУ билан Грейфсвальд университети бир-бирларига студентлар, аспирантлар ва илмий ходимлар делегацияларини юборишга тайёр.

Конференцияда бошқа муаммолар қатори ўзбекча-русча-немисча ва ўзбекча-немисча луғатлар, бошқа ўқув қўлланмаларини яратиш имкониятларини муҳокама қилиш мўлжалланган.

Халқаро конференция доирасида студентларнинг муайян мавзуга бағишланган илмий учрашуви ўтказилади. Унда Лейпциг, Самарқанд ва Тошкент университетларида таҳсил кўраётган немис тили бўйича бўлажак мутахассислар иштирок этади.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ. Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейи фондида тасвирий санъат, графика, ҳайкалтарошликка оид 40 мингдан зиёд асар бор. Уларнинг баъзилари турли хил сабабларга кўра кўргазмага қўйилмаган. Айни кунларда музей ходимлари санъат дурдоналарини тиклаш, асл нусхага яқин ҳолда таъмирлаш борасида изланишмоқда.

Қадимий санъат асарлари бўлимида VIII асрда Бухоро ҳукмдорлари саройнинг devor ва хоналари безакларини намойиш этиш мўлжалланяпти. Археологлар Варахша шаҳарчасида сарой қолдиқларини бундан ярим асрча илгари топишган эди. Ганчдан ишланган икки мингдан зиёд буюм бўлакларини йиғишга тўғри келади.

Суратда: таъмирловчилар—Г. Раззоқова ва С. Шарипов санъат асарлари йиғишмоқда.

А. ГОРОКРИК сурати (ЎзТАГ).

МАЪРИФАТ ФИДОЙИСИ

Шокир Сулаймон адабиётимиз тарихида фақат шоир, публицист сифатидагина эмас, ўзбек ва қардош халқлар адабиёти ва матбуоти, маърифатининг тарғиботчиси ва тадқиқотчиси сифатида ҳам ўзига хос ўринга эгадир.

У 1900 йил мартда Қўқон шаҳрида дунёга келиб, 1916 йилга қадар шу ердаги янги усул мактабларидан бирида таълим олади. Кейинчалик Оренбургдаги «Мадрасаи Ҳурсайния»га ўқишга кетиб, у ерда араб, форс, турк, рус, татар матбуоти ва адабиётини яқиндан ўрганади. Октябрь инқилобидан сўнг Туркистонга қайтиб, янги ўзбек матбуоти ва адабиёт ишларида фаол қатнаша бошлайди.

1922 йилда у Москвага ўқишга кетади ва дастлаб Рабфакда (1923), сўнг Крупская номидаги Олий педагогик академиясида (1926) таълим олади, Москвадаги адабиёт ва маданият янгиликлари билан яқиндан танишади.

В. Маяковский, Д. Бедний, А. Тўқай, Ҳ. Тоқтош шеърларидан таржималар қилади. 1931—1936 йиллар Ўзбекистон Давлат университети адабиёт факультети доценти, 1936—1941 йиллар ЎзФА комитети қошидаги А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институтида катта илмий ходим вазифаларида хизмат қилади. Шокир Сулаймоннинг шу даврдаги ичида «Эрк куйлари» (1926), «Ғалаба марши» (1928), «Давр ҳайқириғи» (1932) каби шеър ва поэмалар тўпламлари нашр этилади.

Шоирнинг «Қотил», «Паразитлар», «Ҳукм», «Лоларнинг шумғия», «Ўч» ҳикояларида эса 20-йилларнинг охирларида Ўзбекистонда синфий курашнинг кескинлашиши билан янги ҳаёт қурилиши йўлидаги тўсиқларга қарши кураш ғоялари асос қилиб олинади. Унинг хорижий мавзудаги асарларида эса асосий мавзу Хитой, Ҳиндистон каби собиқ мустамлака мамлакатларида болаларнинг оғир ҳаёти ва уларга хайрихоҳлик туйғулари ифодаланади.

Шокир Сулаймон бу даврда шоир ва насрчи сифатидагина эмас, публицист сифатида ҳам ўлкадаги янги маданият, таълим-тарбия масалалари бўйича ҳам муҳим ва долзарб мавзуда мақолалар ёзади — «Хотинлар озодлиги ва янги турмуш масаласи» (1926), «Турсунойнинг ўлими» (1928), ўрта ва олий ўқув юртлари учун адабиётдан ўқув китоблари, хрестоматиялар тузади.

Жумладан, у «Юксалишнинг биринчи босқичи» (1924) мақоласида Чўлпонни «истиқболимизни порлоқ кўрган буюк шоиримиз» дейди ва унинг

Йиғлама юртим, агарчи бу кунингда йўқ баҳор,
Келгуси кунларда бахтинг юлдузи ўйнаб қолар, —

деган мисраларини «Ўлик жонларни ҳам руҳлантириш қувватига эгадир», деб фахр билан тилга олади. Юксалишимиз ва истиқболимиз учун курашнинг бу шонли босқичида «Москва, Ленинград, Боку, Берлин каби шаҳарларга ўқишга кетган ёшларимизни узоқ келгусини кўзлари кўрган ота ўғли қаҳрамон йигитлар» сифатида таърифлайди. «Олий таълим ва тарбия институти» (1927) мақоласида эса у бу ватанпарварлик ва миллий ифтихор туйғуларини ривожлантириб, она юрти Ўзбекистонда Октябрь инқилоби туфайли очилган янги Олий таълим ва тарбия дорилфунунининг қувонч билан қаршилаб: «Ўзбек олий таълим-тарбия институти ўзбек дунёсининг илмий-маданий юксалиш тарихида зўр воқеа. Бу, тўғрисини айтганда, пролетариат инқилобининг муҳим самараларидан биттаси» («Маориф ва ўқитувчи» журнали, 1928) деб ёзади.

Шокир Сулаймон бу йилларда ўзбек адабиётининг М. Сўфизода, Ҳамза, М. Шермуҳамедов, Чўлпон каби кекса авлод вакилларидан тортиб, Зафар Диёргача бўлган кенжа адабий авлод вакилларигача, ўзбек миллий саҳна санъати, фольклор ва музикамиздан тортиб, болалар адабиётигача ташвиқот ва тадқиқот ишлари ҳам олиб борди. Айниқса, инқилобий руҳдаги қалам соҳибларимиз бўлган Ҳамза ва М. Сўфизодаларнинг ҳаёти ва ижоди, уларнинг ўзбек совет адабиёти ва маданияти тарихида тутган алоҳида ўрни ва аҳамиятини матбуотда биринчилардан бўлиб кўтарди.

Бу жиҳатдан унинг «Шоир Тоҳир Сўфизоданинг қисқача таржимаи ҳоли», «Шоиримиз Ҳамза Ҳакимзоданинг қисқача таржимаи ҳолига оид» дастлабки мақолаларида ҳар икки шоирнинг инқилобгача Қўқон ва Наманган даги маорифчилик ишлари ва чет эл шарқидаги Афғонистон, Ҳиндистон, Миср, Туркия сафарлари, Октябрьдан кейинги ер-сув ислоҳоти ва Шўро сайловлари даврларидаги хизматларини қисқача баён қилди. Бу даврда у фақат ўзбек шоир ва адиблари билангина эмас, балки А. Саъдий, О. Иброҳимов, Ҳ. Тоқтош, Ҳасан Туфон, С. Айний, А. Лоҳутий, Б. Чубонзода каби қардош халқлар шоир ва олимлари билан ҳам алоқа боғлаб борди. Рус, татар, бошқирд, тожик классик ва совет адабиёти ҳамда унинг айрим йирик вакиллари ва нодир асарлари, санъаткорлари ҳақида ҳам муҳим мақолалар ёзди.

1935 йилда Душанбада ўтказилган С. Айний, А. Лоҳутий юбилейларида қатнашиб, улар ҳақида махсус мақолалар билан чиқди. 1936 йил ёз ойларида Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг Татаристонга Абдулла Қодирий, Ғ. Ғулом, А. Қаҳҳор, А. Умарийлардан иборат ёзувчилар бригадасининг бошлиғи сифатида у ерда 3 ойлик ижодий сафарда бўлди. Уларнинг классик ва ҳозирги замон қаламкашлари, қардош татар халқининг ўтмиш ҳаётлари, Октябрдан кейинги турмушлари тўғрисида мақола ва очерклар эълон қилди («Татар совет адабиёти», «Бирадарона ҳамкорлик» (1939) «Сургун Сайфий» (1939) ва бошқалар). Қозонда Олимжон Иброҳимов, Ковий Нажмий, Ҳасан Тўфон, Мусо Жалил каби машҳур татар адиблари билан алоқалар давом этди.

Лекин шунга қарамасдан, шахсга сиғиниш йиллари Шокир Сулаймоннинг Чўлпон шеърларини тарғиб қилган дарсликларидан тортиб, унинг таъсирида ёзган шеърларигача («Ёш ленинчи», 1931 № 3) чет элда ўқиётган талабаларимизга ёрдам ва «Қизил қалам» жамиятидаги фаолиятидан тортиб, болалар адабиёти соҳасидаги ишлари («Ёш куч», 1937 йил № 9). Татаристонга боргандаги амалга оширган раҳбарлик ишларигача — барчаси бузғунлик, миллатчилик ҳаракатлари сифатида қораланди.

Натижада Шокир Сулаймон 1941 йил 25 августда ноҳақ туҳматга учраб, бегуноҳ қамоққа олинди ва 1942 йил 8 августда ҳалок бўлди. Унинг рафиқаси, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Зайнаб Мирсалимова ҳам ёш болалари билан ҳовлилари тортиб олиниб, узоқ Бухоро қишлоқларига сургун қилинди. Шокир Сулаймон фақат партия XX съездидан сўнггина оқланиб, оиласи ҳам Тошкентга қайтди. Унинг номи, айрим ҳикоя ва шеъри тўпламлари дастлаб «Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки»да филология фанлари докторлари М. Юнусов, Н. Владимирова, Ш. Шермуҳамедов, филология фанлари кандидатлари А. Алиев, М. Султоноваларнинг 20-йиллар ўзбек совет поэзияси, насри ва болалар адабиёти ривожига оид монографияларида кўриб ўтилди. 1964 йил «Ёш гвардия» нашриёти унинг «Ўч» номли кичик ҳикоялар тўпламини нашр этди. Лекин шундан буён қарийб чорак аср давомида унинг барча бадиий, илмий ва таржима асарлари, публицистик мақолалари тўла тўпланиб, ўрганилган эмас.

Яқинда шоир ва публицист, адабиётшунос олим Шокир Сулаймон таваллудига 90 йил тўлди. Шу муносабат билан бугунги қайта қуриш кунларида маърифатимиз фидойиларидан бири Шокир Сулаймоннинг энг муҳим асарларини қайта нашр қилиш масаласини ҳам кун тартибига қўйиш керак.

Ш. ТУРДИЕВ,
филология фанлари номзоди.

Шокир Сулаймон таваллудига 100 йил тўлди

Сардор

● КАТТА сержант Нодиржон Саломов — жанговар ва снёсий тайёргарлик аълочиси, взвод командирининг ўринбосари. У ўз билим ва тажрибасини бошқалар билан ўртоқлашади. Уларга сидқидилдан ёрдам беради. Шунинг учун ҳам Нодиржонни хизматдошлари ҳурмат қилишади. Уни батарея комсомол-ёшлари бюроси котиблигига сайлашганлиги ҳам ана шу ҳурмат белгисидир.

Комсомоллар сардори Н. Салимов яхши ташкилотчи сифатида ҳам ўзини кўрсатди. У йиғилишларда янги-янги ғояларни илгари суради, муҳим таклифлар киритади.

Нодиржон хизматда ва жанговар тайёргарликда эришаётган юқори кўрсаткичлари учун қўмондонлик томонидан бир неча бор рағбатлантирилди. Бу уни хизматда янги муваффақиятларга руҳлантирмоқда.

Д. КОЛЕДА,
комсомол ташкилотининг котиби.

Садоқат

● ҚИСМИМИЗ солдатлари гвардиячи оддий солдат Бахтиёр Абдуалиев номини ҳурмат билан тилга оладилар. Соддалик, меҳрибонлик, сахийлик Бахтиёрга хос хусусиятлардир. Кези келганда у қатъийлик ва дадиллик кўрсатади. Ҳарбий бурчга садоқат, жанговар интизомга риоя этишда шахсий намуна кўрсатиш унинг хизмати мазмунига айланган.

Бахтиёрга хизматда эришаётган ютуқлари учун командирлик томонидан раҳматнома эълон қилинди ва уйига бориб келиши учун қисқа муддатли отпуска берилди.

Ҳадемай, хизмат муддати тугайди. Лекин ҳарбий хизмат даври Б. Абдуалиев учун катта ҳаёт дорилфунуни бўлиб қолади.

В. МАТЮШЕНКО,
бўлинма командири,
Ю. АНАШКИН,
бўлинма командирининг ўринбосари.

Илғор қурувчи

● АЛОҲИДДИН Шамсиддинов ҳарбий хизматга Самарқанд шаҳридан келган. У хизматни Бойқўнғирда ўтамоқда. Бу ерда хизмат қилишнинг ўзи бўлмайди. У дастлабки кунлардан бошлаб кичик сержант К. Каланадзе бригадасида ғишт терувчи бўлиб ишлай бошлади, ярим йил мобайнида ғишт терувчилик касбини яхши эгаллаб олди. Яқинда унинг ҳаётида унутилмас воқеа бўлди. Алоҳиддинга яхши ишлагани ва ишни сифатли бажаргани учун «Олтин қўлли уста» дипломи берилди.

Намунали хизмат қилаётган илғор қурувчини комсомоллар ўз сафларига қабул қилишди. Ҳозирги кунда у бўлинма комсомоллар ҳаётида ҳам фаол иштирок этмоқда. Бунинг учун А. Шамсиддинов «Бойқўнғир комсомоли» кўкрак нишонига сазовор бўлди.

Ёш жангчи эришган марраси да депсиниб турмайди. У доимо олға интилади, Ана шундай меҳнатсевар ўғлонни тарбиялаганликлари учун унинг онаси Ҳамро опа ва отаси Жалол акага қўмондонлик ва бўлинма комсомол комитети бюроси номидан миннатдорчилик билдирамиз.

А. КРИЛОВ,
ҳарбий қурувчи, бўлинма комсомол ташкилотининг котиби.

* * *

Шунингдек, оддий солдатлардан С. Сандов, О. Ойпўлатов, М. Ҳасанов, Т. Хушназаров, Д. Ширинбоев, С. Фозилов, У. Сулаймонов, капитан Н. Баҳромов, лейтенант Ш. Сайдалиев ва бошқаларнинг хатларида жанговар фарзандларимизнинг снёсий ва ҳарбий билимни эгаллашда эришаётган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилинган.

Жанговар фарзандларимиз ҳаётидан

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

ТВ · ҲАФТАЛИК · ПРОГРАММА

14 МАЙ, ДУШАНБА

УзТВ-I. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Ўзбекистон ССР жўғрафия жамиятининг III съезди. 18.10 Мультфильм. 18.20 Қонун ҳамма учун баробар. 19.00 Долзарб мавзу. 19.30 Ахборот. 19.45 Ҳамид Олимжон таваллудининг 80 йиллигига. 20.20 Телефильм. 20.30 Время. 21.00 Мусиқий программа. 21.40 Телефильм. 22.00 Ахборот 22.20 «Тошкент» студияси кўрсатади.

УзТВ-II. 18.10 «Клиника». Бадиий фильм. 18.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. **Душанбе.** 20.30 Время. 21.00 «Меҳри суруд». 21.40 Ҳужжатли фильм. 22.00 Ахбор. 22.20 «Мана менинг қишлоғим». Бадиий фильм.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.05 «Лабиринтга кириш». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 10.30 Футбол шарҳи. 11.00 Мўъжизасиз мўъжизалар. 12.00 Время. 15.15 Концерт. 15.40 Делегатскаядаги музей. 16.10 Болалар соати. 17.10 Телефильм. 18.00 Время. 18.30 Адабий-бадиий программа. 20.30 Время. 21.00 Коллаж. 21.05 «Империя». Бадиий фильм, 3 ва 4-сериялар. 22.45 Футбол шарҳи. 23.15 Рус мусиқаси телефестивали. 23.45 ТСН.

МТ-II. 8.00 Гимнастика. 8.15 Киносаёҳатчилар альманахи. 8.35 ва 9.35 Адабиёт. 9.05 Итальян тили. 10.05 Илмий-оммабоп фильмлар. 10.35 ва 11.35 Астрономия. 11.05 Сиз яратган боғ. 12.05 «Порт». Бадиий фильм. 16.30 РСФСР шаҳарлар телестудиялари. 17.10 Волейбол. Жаҳон лигаси биринчилиги. 17.55 Коллаж. 18.00 Время. 19.30 Ёшлар тарбияси ҳақида. 19.00 Тожикистон телевидениесининг программаси. 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.45 Чернобиль АЭСи зонасининг муаммолари ҳақида. 20.30 Классик кураш. Европа чемпионати. 21.15 Тинчлик велопойгаси. 21.35 Мусиқали абонемент. 22.35 Ҳужжатли фильм.

15 МАЙ, СЕШАНБА

УзТВ-I. 17.25 Янгиликлар. 17.30 Ўзбек тилини ўрганамиз. 18.00 Футбол. «Қайрат». «Пахтакор». 19.50 «Чашма» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 20.30 Время. 21.00 Театр ва замон. 22.00 Ахборот. 22.20 «Ёшлик».

УзТВ-II. 18.05 Анъана ва замонавийлик. 19.00 «Бошқача ҳаёт». Бадиий фильм. **Душанбе.** 20.30 Время. 21.00 Совет киноси усталари. 22.00 Ахбор. 22.20 «Тони Вендиснинг хатоси». Бадиий фильм, 1-серия.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.05 «Лабиринтга кириш». Бадиий фильм, 3 ва 4-сериялар. 10.30 Болалар соати. 11.30 Бу бўлган... бўлганди... 11.55 Коллаж. 12.00 Время. 15.15 Мусиқий хазина. 16.05 Мультфильм. 16.15 Бор бўл, мусиқа! 17.00 «Пульс — 90» 18.00 Время. 18.30 Ёшлар хабарномаси. 19.15 Концерт. 20.30 Время. 21.00 Долзарб интервью. 21.10 «Империя». Бадиий фильм. 22.45 Рус мусиқаси телефестивали. 23.20 ТСН.

МТ-II. 8.00 Гимнастика. 8.15 Киносаёҳатчилар альманахи. 8.35 ва 9.35 Мусиқа. 9.05 ва 10.05 Француз тили. 10.35 ва 11.35 Тарих. 11.05 Илмий-оммабоп фильм. 12.05 «Нотаниш қўшиқ». Бадиий фильм. 12.35 Ритмик гимнастика. 16.15 Санъат усталари. 17.30 Тинчлик велопойгаси. 18.00 Время. 18.30 СССР Олий Совети сессияси.

16 МАЙ, ЧОРШАНБА

УзТВ-I. 11.30 Ўқув кўрсатуви. 12.00 Телефильмлар. 12.30 Ўқув кўрсатуви. 17.30 Янгиликлар. 17.40 Касблар ҳақида ҳикоялар. 18.10 Сиэтллик дўстларимиз 18.45 Мультфильм. 19.00 Турар-жой қурилиш муаммолари. 9.30 Ахборот. 19.45 «Оҳанг» студияси. 20.15 Долзарб мавзу. 20.30 Время. 21.00 Мулоқот. 22.00 Ахборот. 22.20 «Давлат болалари». Спектакль.

УзТВ-II. 18.05 Мулк: муаммо ва ечим. 18.45 «Тошкент» студияси. 19.15 «Олтин соат». Бадиий фильм. **Душанбе.** 20.30 Время, 21.00 Концерт. 21.40 Ҳужжатли фильм. 22.00 Ахбор. 22.20 «Тони Вендиснинг хатоси». Бадиий фильм, 2-серия.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.00 Мультфильм. 8.15 «Лабиринтга кириш». Бадиий фильм, 5-серия. 9.25 Концерт. 9.45 Дунё бўйлаб. 10.45 «Омадли». Бадиий фильм. 11.55 РСФСР халқ депутатлари биринчи съездининг очилиши. 16.25 Болалар соати. 17.25 «Теле—ЭКО» 17.55 Шеърият лаҳзалари. 18.00 Время. 18.30 Ҳокимият — Советларга. 19.05 «Ота-она ва болалари». Бадиий фильм. 22.20 Долзарб интервью. 20.30 Время. 21.00 Коллаж. 21.05 Рус мусиқаси телефестивали. 21.45 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. Исроил — СССР. 23.30 ТСН.

МТ-II. 8.00 Гимнастика. 8.15 Киносаёҳатчилар альманахи. 8.35 ва 9.35 Физика. 9.05 ва 10.05 Немис тили. 10.35 Адабиёт. 11.05 Концерт. 11.25 Тинчлик волепойгаси. 11.55 РСФСР халқ депутатлари биринчи съезди. 20.00 Объектив. 20.35 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 20.40 Ҳужжатли фильм. 21.00 «Тонгдаги учрашувлар». Бадиий фильм.

17 МАЙ, ПАЙШАНБА

УзТВ-I. 11.30 Ўқув кўрсатуви. 12.00 Телефильм. 12.30 Ўқув кўрсатуви. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Телефильм. 18.10 Мультфильм. 18.30 Спорт кўрсатуви. 19.00 Хўжасизликка барҳам берайлик. 19.30 Ахборот. 19.45 Алифбо сабоқлари. 20.25 Реклама. 20.30 Время. 21.00 Новийхонлик. 21.50 Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабари. 22.00 Ахборот. 22.20 Деҳқон ва замон.

УзТВ-II. 18.00 Дўстлик экрани. 18.55 Ёшлик. 19.40 Реклама. 19.45 «Тошкент» студияси. Фрунзе. 20.30 Время. 21.00 «Кечки кеп». 22.00 «Киргоқ». Бадиий фильм, 1-серия.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.00 «Ота-она ва болалари». Бадиий фильм. 9.15 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. Исроил — СССР. 10.55 Болалар соати. 11.55 Коллаж. 12.00 Время. 15.15 «Темур ва унинг командаси». Бадиий фильм, 1-серия. 16.20 Концерт. 16.50 Қувноқ стартлар. 17.35 Маданий алоқалар: РСФСР — Франция. 18.00 Время. 18.30 «Парнас сари бир босқич». 18.45 ...16 ёшли ва ундан катталар. 19.30 Концерт. 20.30 Время. 21.00 Долзарб интервью. 21.10 «Телбалик». Бадиий фильм. 22.25 Рус мусиқаси телефестивали. 22.50 Жаҳон музейлари кунига. 23.30 ТСН.

МТ-II. 8.00 Гимнастика. 8.15 ва 9.25 Киносаёҳатчилар альманахи. 8.35 ва 9.45 Табиатшунослик. 8.55 ва 10.05 Испан тили. 10.35 ва 11.35 Биология. 11.00 «Бурда моден». 12.00 Киноафиша. 12.30 Ритмик гимнастика. 16.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 16.55 Коллаж. 17.00 Ритмик гимнастика. 17.30 Тинчлик велопойгаси. 18.00 Время. 18.30 СССР Олий Совети сессияси.

18 МАЙ, ЖУМА

УзТВ-I. 11.30 Ўқув кўрсатуви. 12.00 Телефильм. 12.30 Ўқув кўрсатуви. 13.00 «Бошқача ҳаёт» Бадиий фильм. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Ўқув кўрсатуви. 18.10 Мультфильм. 18.25 «Шодиёна» ансамбли. 19.00 «Уста Маҳмуд Усмонов». 19.30 Ахборот. 19.45 Томорқа ерларидан унумли фойдаланайлик. 20.15 Мультфильм. 20.30 Время. 21.00 Лапарлар. 21.45 Одобнома. 20.20 Ахборот. 22.20 «Катта кўчадан оркестр билан» Бадиий фильм.

УзТВ-II. 18.05 Бадиий гимнастика. 18.45 Фильм-концерт. 19.30 «Тошкент» студияси. **Фрунзе.** 20.30 Время. 21.00 «Киргоқ». Бадиий фильм. 2-серия.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.00 Мультфильмлар. 8.30 Қувноқ стартлар. 9.15 Оркестр концерт. 10.15 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 11.00 Йил фаслари. 12.00 Время. 15.15 Болалар учун фильм. 16.20 Агар сизга... 17.05 Мультфильм. 17.10 ТВ — Экскурсия. 18.00 Время. 18.30 Шеърият лаҳзалари. 18.35 Ҳужжатли фильм. 20.30 Время. 21.00 Коллаж. 21.05 Долзарб интервью. 21.15 Нима? Қаерда? Қачон? 21.50 Концерт. 22.20 Нигоҳ. 23.50 ТСН.

МТ-II. 8.00 Гимнастика. 8.15 Киносаёҳатчилар альманахи. 8.35 ва 9.35 Тарих. 9.05 ва 10.05 Инглиз тили. 10.35 ва 11.35 Тарих. 11.05 Саркарда А. В. Суворов. 12.05 «Петербурглик чиновник». Бадиий фильм. 13.05 Тинчлик велопойгаси. 16.30 Номсиз тепаликда. 17.20 Мультфильм. 17.30 Тинчлик велопойгаси. 18.00 Время. 18.30 ва 21.00 РСФСР халқ депутатлари биринчи съезди. 19.50 Информацион кўрсатув. 20.30 Концерт. 20.45 Спорт ҳамма учун.

19 МАЙ, ШАНБА

УзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 «Қизил асаларилар». Бадиий фильм. 11.10 Пойтуғ тўқимачилари. 11.40 «Хонима хоним». Спектакль. 13.45 КПСС Устави лойиҳаси. 14.30 Давр тақазоси. 18.05 Мультфильм. 18.15 Менинг жон пионерим. 19.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 19.30 Ахборот. 19.45 Кинокўрсатув. 20.30 Время. 21.00 Оқшом эртаклари. 21.15 Барҳаёт наволар. Шерозий. 21.55 Реклама. 22.00 Ҳафтаномa. 22.40 Барҳаёт наволар (давоми). 23.20 «Зайнаб ва омон». Теле-театр.

УзТВ-II. Душанбе. 9.00 Ритмик гимнастика. 9.15 Савту калом. 10.05 Кинопрограмма. 11.00 «Калта енг». Бадиий фильм. 17.35 Мутлақо сир эмас. 18.15 «Калта енг». Бадиий фильм. 19.30 Новости. 19.50 Фильм-концерт. 20.10 Эҳтиром. 20.30 Время. 21.00 Мусиқий кўрсатув. 22.00 Ахбор. 22.20 Боқи Раҳимзода. 23.20 Телефильм-комедия.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.00 Сиз яратган боғ. 8.30 Инсон. Ер. Коинот. 9.30 Пионерлар концерти. 10.15 Тақдир чизиғи. 11.25 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 11.55 «Қўзғалончилик тарихи». Бадиий фильм 5 ва 6-сериялар. 14.10 Спектр. 14.40 Руҳий холатимиз. 11.25 Экология муаммолари. 15.45 Ҳайвонот оламида. 16.45 Сиёсий мулоқотлар. 18.15 Мультфильм. 18.25 Халқаро панорама. 19.10 Фотоконкурс. 19.15 «Степан Сергеевич». Бадиий фильм 1-серия. 20.30 Время. 21.00 «Степан Сергеевич». Бадиий фильм 2-серия. 22.05 Оилавий телевикторина. 23.15 ТСН. 23.30 Оммавий мусиқа янгиликлари.

МТ-II. 7.30 Гимнастика. 7.45 «Минора». Бадиий фильм. 9.10 Иттифоқдош жумҳориятлар кинопублицистикаси. 9.30 «Солдат Иван Бровкин», Бадиий фильм. 11.00 Концерт. 11.30 «Совет Россияси» видеоканали. 14.00 «Ҳамдўстлик». 16.30 «Мэри Пикфорд бўсаси». Бадиий фильм. 17.50 Коллаж. 17.55 Концерт. 18.25 РСФСР халқ депутатлари биринчи съезди. Кўрсатув тугагач «Шайтон малайлари жинлар тегирмонида». Бадиий фильм.

20 МАЙ, ЯКШАНБА

УзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Компьютер сабоқлари. 10.25 Санъат усталари. Сойиб Хўжаев. 11.25 Спорт кўрсатувлари. 12.25 Дўстлик программаси. 13.55 Алифбо сабоқлари. 14.35 «Навбаҳор» ансамбли. 18.00 Болалар учун концерт. 18.50 Ҳажвий киножурнал. 19.00 Мушоҳада. 19.30 Ахбор. 19.45 Ҳинд кинофильмлари. 20.30 Время. 21.00 Мусиқий кўрсатув. 22.00 Ахбор. 22.20 «Мерос». Бадиий фильм.

УзТВ-II. Душанбе. 9.00 Сапеда. 10.05 Реклама. 10.15 Мўъжиза алифбо. 10.45 Ҳожи Абдулазиз хотираси. 11.35 «Никоҳ саватидаги миллионлар». Бадиий фильм. 16.25 Кино меридиан. 16.55 Фильм-концерт. 17.25 РСФСР халқ артисти А. Кузнецов. 18.15 Режиссер Дмитрий Эрдман. 19.00 «7 кун». 19.30 Ипподром — 90. 20.30 Время. 21.00 «Севги бобида тижоратга ўрин йўқ». Бадиий фильм.

МТ-I. 8.30 Спорт ҳамма учун. 8.15 Гимнастика. 8.30 Спортлото. 8.45 Эрта саҳарлаб. 9.30 Ватан хизматида. 10.30 Тонгги дам олиш программаси. 11.00 Саёҳатчилар клуби. 12.00 «Қўзғалончилик тарихи». Бадиий фильм 7 ва 8-сериялар. 14.30 Здоровье. 15.15 Мусиқий киоск. 15.45 Қишлоқ янгиликлари. 17.00 «Еввойи оққушлар». Бадиий фильм. 18.30 Мультфильм. 19.00 «Ҳаммаси бошқача бўлиши мумкин эди». Бадиий фильм. 20.30 Время. 21.00 Абадият ҳақида ўйлар. 21.15 Концерт. 22.15 Сиёсий мулоқотлар.

МТ-II. 7.30 Зарядкага сафланинг. 7.45 «Мужиклар» Бадиий фильм. 9.15 Концерт. 9.25 «Иван Бровкин қўрияда». Бадиий фильм. 11.00 Саёҳатчилар клуби. 12.00 Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 12.30 Босқичлар. 13.30 Ҳужжатли фильм. 14.00 «Совет Россияси» видеоканали. 16.30 «Планета». 17.30 Концерт. 18.15 РСФСР халқ депутатлари биринчи съезди.

• *Реклама ва эълонлар*

ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг босмахонаси
15 майдан бошлаб
Клишелар тайёрлаб бериш учун
БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
33-90-50 телефони бўйича ишлаб чиқариш бўлимига
15 МАЙДАН 17 МАЙГАЧА
мурожаат қилинсин.

Тошкент шаҳридаги «Средаззлектроаппарат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси базасида
Корхоналарнинг планли бозор муносабатига ўтиши масалаларининг муҳокамасига бағишлаб СССР Электротехника асбоблари вазирлиги ҳуқуқшуносларининг
БУТУНИТТИФОҚ КЕНГАШИ БУЛАДИ
Маълумот олиш учун телефонлар: 91-29-15, 91-20-37.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНЛИ БУТУНИТТИФОҚ ҚОРАКЎЛЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда қуйидаги мутахассисликлар бўйича
АСПИРАНТУРАГА **ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**
Хусусий зоотехника, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси, қишлоқ хўжалик молларини кўпайтириш, ем ишлаб чиқариш.
Ҳужжатлар топшириш муддати — 15 майгача.
Кириш имтиҳонлари — 1990 йилнинг 27 майидан бошланади.
Илмий кадрлар тайёргарлиги ҳақидаги Низом асосида расмийлаштирилган шахсий ҳужжатлар ва танланган мутахассисликлар бўйича рефератлар қуйидаги манзилгоҳга юборилиши зарур: 703000, Самарқанд шаҳри, К. Маркс кўчаси, 47-уй, аспирантура.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
эндокринология (2) ихтисоси бўйича (Ленинград ва Харьков шаҳарларида тайёргарлик кўриш билан)
МАҚСАДЛИ АСПИРАНТУРАГА **ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**
Ҳужжатлар — 15 майгача қабул қилинади.
Институт манзили: Тошкент шаҳри, М. Горький шоҳкўчаси, 56-уй. Телефонлар: 62-27-02, 62-27-13.
Конкурс муддати — 10 кун.

Н. И. Вавилов номидаги Бутуниттифоқ ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтининг
ЎРТА ОСИЁ ФИЛИАЛИ
полиз экинлари бўйича кичик илмий ходим
ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА **КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**
Ҳужжатлар қуйидаги масканга юборилсин: 702134, Тошкент вилояти, Оржоникидзе райони, «Ботаника» алоқа бўлими.

Ўзбекистон ССР Қурилиш материаллари саноати вазирлиги тармоқнинг кекса ходими
Ҳабибулла ҲАМИДУЛЛАЕВнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат маданият институти халқ чолғулари кафедрасининг доценти, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист О. Камолхўжаевга онаси
Рисолат ҚАЮМОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўрта Осиё ўрмон хўжалик илмий-тадқиқот институти жамоаси институтнинг собиқ сектор мудири, жумҳурият миқёсидаги шахсий пенсионер, жумҳуриятда хизмат кўрсатган ўрмон ходими
Қутпиддин Шамсиевич ШАМСИЕВнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон ССР доирачилар жамияти Самарқанд область Темир йўлчилар маданият уйидаги доирачилар ансамблининг бадиий раҳбари
Бахтиёр Алиевич ЖОБИРОВнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Р.—03540. № 109. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12